СЎНГГИ СОАТДА

НЕФТЬ КОРХОНАСИДА ТИКУВ ЦЕХИ

СУРХОНДАРЁ. Денов нефть маҳсулотлари корхонасида хайрли ишга қўл урилди. Мана икки ойдирки, бу ерда пахта териш учун этаклар, чорвадор ва чўпончўлиқлар учун иссиқ кийимлар тикадиган цех ишлай бошлади. Тайёр маҳсулотлар эса қисқа фурсатларда ўз буюртмачиларига етказилмоқда. Бу корхонага фойда келтирибгина қолмай, хотин-қизларни иш билан таъминлашда ҳам қўл келмоқда. Ҳозирги кунда тикувчилар ўртача 2000 — 3000 сўмдан маош олишяпти. Келгусида цех яна кенгайтирилади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ.

АМЕРИКАЛИКЛАР ҲАМКОРЛИККА ТАЙЁР

НАМАНГАН. Ўзбекистон — Америка савдо-иқтисодий муносабатлари доирасида вилоятга АҚШ савдо вазирлиги маслаҳатчиси Ян Калицки раҳбарлигидаги делегация ташриф буюрди. Америка давлат департаменти энергетика ва савдо бўйича мутахассислари бўлган меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қаюм Ҳаққулов ҳамкорлигида "Мингбулоқнефть" конида бўлдилар. Меҳмонлар шарафига вилоят ҳокимлигида қабул маросими уюштирилди. Вилоят ҳокими Б. Рапиганиев ва АҚШ делегацияси раҳбари Ян Калицки нефть ва савдо-сотиқ соҳасидаги ҳамкорлик яхши самаралар беришига умид билдирдилар.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

ТЎЙГА ТЎЁНА БИЛАН

ФАРҒОНА. Қўқон шаҳар Ҳамза театрида соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллигига тайёргарлик кўрилмоқда. Композициянинг саҳналаштирувчи режиссёри Эркин Муродов, Темур ролида Ўзбекистон халқ артисти Рашид Содиқов. Сандақбар — артист Мамадали Аъзамов. Турк султони Боязид — Қирғизистонда хизмат кўрсатган артист Мавлон Қурбонов. Бибихоним ролини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Хурсаной Умаровалар ўйнаган.

Мухтасар КАРИМОВА.

ҚИЗИҚАРЛИ МАШҒУЛОТ

ТОШКЕНТ. Ўзбекистон ХДП Мирзо Улуғбек туман кенгашида ёш партия аъзолари мактабининг навбатдаги машғулоти бўлди. Унда назарий ва амалий йўналишлар бўйича баҳс кетди. Ўзбекистон ХДП МК таҳлил ва таҳмин гуруҳи раҳбари М. Ельшов "Устав ва Дастур — Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг асосий ҳужжатлари" деган мавзуда маъруза қилди. Тингловчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга машғулот давомида жавоб олдилар.

Дилдора РИХСИЕВА.

ҚАМИШДАН ХОРДИҚ СТОЛИ

БУХОРО. Аҳоли талаб-истаклари асосида кундалик эҳтиёж учун зарур бўладиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи цехни ишга туширган Шофиркон ўрмон хўжалиги жамоаси бозор иқтисодиёти шароитида янгича ишлашнинг шарофатини сездилар. Бу ерда қамиш ҳамда қоратол новдасидан дам олиш столи, хордиқ ўриндиқлари, маҳаллий хом ашёдан саватлар, супургилар ишлаб чиқарилаётгани жамоага анча қўшимча даромад олиб келяпти.

Даврон БАҲРОНОВ.

ЯНГИ ШОЛИДАН ЯНГИ ГУРУЧ

НУКУС. Қорақалпоғистон Республикаси шоличилик хўжаликларида шоли ўриш, янчиш, тайёрлаш ишлари ҳар қачонгидан ҳам авж олдириб юборилди. Шу билан бир пайтда гуруч заводларида янги ҳосил — шолини оқлаш ишлари бошлаб юборилди. Хўжайин гуруч ҳиссадорлик жамияти шолини оқлашда бошқа турдош корхоналардан олдинда бормоқда. Жамоа аъзолари бир кеча-кундузда 85-90 тонна гуруч ишлаб чиқариб, белгиланган маррани ошириб бажаришга эришмоқдалар.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

воқеалар, хабарлар

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 5 октябрь, шанба № 129 (22.050).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

АЛМАТИ УЧРАШУВИ

4 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қозоғистон Республикаси пойтахти Алматига жўнаб кетди. Президентимиз сўнгги кунларда Афғонистондаги ҳарбий-сиёсий вазиятнинг кескинлашуви муносабати билан Марказий Осиё давлатлари ва Россия Федерацияси раҳбарларининг Алматида бўлажак учрашувида иштирок этади.

Президент Ислом Каримовни Тошкент аэропортида Олий Мажлис Раиси Эркин Халилов, республика Бош вазири Ўткир Султонов ва Тошкент шаҳри ҳокими Козим Тўлаганов кузатиб қолдилар.

***

АЛМАТИ. (4 октябрь, ЎзА махсус мухбири Муҳаммад Шариф хабар қилади). Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қозоғистон Республикаси пойтахти — Алматига келди. Бу ерда Марказий Осиё давлатлари ва Россия Федерацияси делегацияларининг учрашуви бўлибўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов ҳамда Россия Федерацияси ҳукумати раиси Виктор Черномирдин қатнашди.

Олий даражадаги учрашув қатнашчилари Марказий Осиё минтақаси учун муҳим аҳамиятга молик муаммо — Афғонистон ҳамда Тожикистон — Афғонистон чегарасидаги вазиятнинг кескинлашуви билан боғлиқ масалаларни муҳокама этдилар. Учрашувда мазкур масалалар юзасидан томонларнинг нуқтаи-назари баён этилди. Шундан кейин Афғонистондаги беқарор вазиятнинг Марказий Осиё минтақаси жанубий ҳудудларига таъсири хусусидаги умумий нуқтаи-назар ва бу борада умумий ҳаракат дастури тузиш тўғрисида фикр алмашилди. Шунингдек, МДҲ доирасида иқтисодий интеграция жараёнига оид масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(ЎзА).

ВАТАН МАНФААТИ ҲАР НАРСАДАН УЛУҒ

Илгари хабар қилинганидек, 3 октябрь куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши, кузги йиғим-терим ишларининг борищи билан танишиш мақсадида Сурхондарё вилоятида бўлди. Президент, шунингдек, Ўзбекистон — Афғонистон чегарасида бўлиб, Ватанимиз сарҳадлари посбонлари — зобит ва аскарлар билан учрашди.

«Айритом» дўстлик кўприги мамлакатимизни Афғонистоннинг шимолий ҳудудлари билан боғлаб турувчи ноёб иншоотдир. Унинг нечоғли ҳарбий-стратегик аҳамиятга эгалиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Давлатимиз раҳбари бу ердаги чегарачилар ҳузурида бўлиб, уларга яратилган маданий-маиший шароит, таъминот масалалари билан қизиқди. Аскарлар билан дилдан мулоқотда бўлди.

СУРАТДА: ҳарбийлар билан учрашув. Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Маълумки, Афғонистондаги сўнгги воқеалар, хусусан, «Толибон» ислом ҳаракатининг тасаввурга сиғмайдиган ҳунрезликлари қўшни мамлакатлар халқларини ҳам ташвишлантирмоқда. Бу масала куни кеча Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик кенгашининг навбатдан ташқари мажлисида ҳам атрофлича муҳокама қилинди ва бу борада кўрилажак зарур чора-тадбирлар белгиланди. Ана шу мажлис ҳақидаги ЎзА шарҳида таъкидланганидек, «Афғонистонда содир бўлаётган воқеалар Тожикистондаги бугунги кундаги хавфли ҳарбий-сиёсий вазиятни янада чигаллаштириши мумкин. Ўзбекистон қўшни давлатларда юз бераётган вазиятга бефарқ қараб тура олмайди».

Бунинг сабаби шундаки, жаҳон оммавий ахборот воситаларида таъкидланаётганидек, «Толибон» мутаассиблари Афғонистоннинг шимолий ҳудудларини ҳам эгалласа, бу ҳол, Марказий Осиё минтақаси, хусусан Тожикистон ва Ўзбекистондаги вазиятга салбий таъсир ўтказиши мумкин.

Табиийки, бундай вазият олдиндан зарур чора-тадбирлар кўришни, жанубий сарҳадларимизни янада мустаҳкамлашни, давлатимизнинг ҳарбий қудратини оширишни, армиямизнинг жанговар тайёргарлиги мунтазам юқори даражада туришини таъминлашни тақозо этади. Зеро, Ватан ҳамма нарсадан улуғ, унинг ҳар бир қарич тупроғи эса муқаддасдир.

Мулоқотларда зобит ва аскарларимиз кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор учун Президентга миннатдорлик билдирдилар. Ватанни қўриқлаш, халқимиз манфаатларини ҳимоя қилиш фарзандлик бурчлари эканини изҳор этдилар.

Ватан — бу ҳавойи тушунча эмас, деди Ислом Каримов аскарлар билан суҳбатда. Ватан бу — аввало ота-она, туғилган ер, севикли ёр, дўст-биродар деганидир. Ана шу қутлуғ тушунчалар бирлашиб ватан туйғусини ҳосил қилади. Демоқчиманки, аскар Ватанини ҳимоя қилар экан, биринчи навбатда ўз ота-онаси, киндик қони тўкилган тупроғи, дилбар ёри, қадрдонларини кўз олдига келтиради. Шунинг учун ҳам Ватанни асл фарзандларигина ҳимоя қила олади.

Бизнинг заминимиз саховатли, одамларимиз меҳнаткаш, деди Президентимиз. Ўзбекистоннинг ҳеч кимга ёмонлиги йўқ. Халқимиз бахтли, фаровон келажагимизни бунёд этиш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда. Афсуски, дунёда буни кўра олмайдиган, бизга ҳасад кўзи билан қарайдиганлар ҳам йўқ эмас. Шунинг учун барчамиз ҳар қандай синовга тайёр туришимиз керак. Аслида армияда хизмат қилиш — ҳар бир ёш ҳаётидаги жиддий синовдир. Бу ерда у чиниқади, ҳаётни тушунади, ўз кучига ишонч ҳосил қилади. Инсоннинг мардлик, жасурлик фазилатлари айнан армия шароитида камол топади. Ҳатто бежирим ҳарбий кийимнинг ўзиёқ одамга куч-қудрат, ғурур бахш этади.

Халқимизда қуда бўлишдан, яхши ният билан нон синдиришдан олдин куёв бўлмишнинг армияга борган-бормаганлигини суриштириш одати бор. Бу бежиз эмас, албатта. Биринчидан армия сафида хизмат қилиш шон-шараф иши бўлса, иккинчидан соғломлик, етуклик тимсолидир. Мен дилбар қизларимизга мурожаат қилиб, «Йўлаб кўринглар, узрли сабабсиз армияда бўлмаган йигит билан тақдирингизни боғлаш, унга суяниш, ишониш мумкинми?» деган бўлардим.

Юртбошимизнинг бу лутфи суҳбатдошларнинг юрак-юрагига бориб етди. Йўлаймизки, бу теран сўзлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Бизнинг эзгу орзуларимизни амалга ошириш, ёркин келажагимизни бунёд этиш, дунёда «Биз — ўзбекларимиз!» дея мағрур юришимиз учун энг аввало нима керак? деди Ислом Каримов. Миллий ғурур керак! Бугун бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темур тавалдининг 660 йиллигини дунё миқёсида нишонлаётганимиз, ул зотни бошимизга кўтариб, ҳурмат бажо этаётганимизнинг боиси ҳам айни шундадир. Чунки, ҳар бир ватандошимиз ўзининг кимнинг авлоди, қандай буюк мероснинг ворисиэканини юракдан англаши, ҳис этиши зарур. Ана шундагина унинг қалбида ўчмас фахр, букилмас миллий ғурур уйғонади. Ғурурли халқни эса ҳеч қачон тиз чўктириб бўлмайди. Биз Амир Темур сиймосида ана шу ғурур чашмасини кўрамиз!

Ватанимиз, халқимиз ўз посбонларига ишонади, деди Ислом Каримов. Бу эса сиздан доимо зийрак бўлишни, жанговар тайёргарликни оширишни талаб этади. Токи, сарҳадларимиздан бирон зоғ ўта олмасин, ҳар хил қўпорувчилик ишлари қилолмасин, ҳеч ким халқимизнинг тинчлигини бузолмасин!

Бизнинг мақсадимиз — Ватанимиз озод бўлсин, юртимиз обод бўлсин, келажагимиз фаровон бўлсин!

Президент Ўзбекистон — Тожикистон чегарасидаги божхона постини бориб кўрди. Божхона биносининг кўримсиз аҳволдалиги, бу ерда зарур қўлланма ва йўриқномаларнинг йўқлиги, нозирларнинг мамлакатимизга нималарни киритиш ёки ташқарига чиқариш мумкин эмаслигини аниқ билмаслиги — касб савияси пастлиги Президентни ранжитди. Бундан ташқари, постда ўқув хоналари, спорт майдончаси йўқ.

Ислом Каримов божхона янги биносини зудлик билан қуриб битказиш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан вилоят ҳокими ва божхона хизмати раҳбарларига топшириқ берди.

Президент Термиздаги ҳарбий-ўқув бўлинмасида бўлиб, аскарларнинг жисмоний тайёргарлиги, ҳарбий билимларни эгаллаши жараёни билан танишди. Бу ердаги спорт-машқ майдонини, стадионни кўздан кечирди.

Шуни айтиш керакки, аскарларимизнинг кийим-боши ҳам юртбошимизнинг назаридан четда қолмади. Аскарлардан бирининг бош кийими унниқиб қолган экан. Президент уларга ғамхўрлик қилиши, барча зарур нарсалар билан таъминлаши лозим бўлган генералнинг бош кийимини олиб аскар йигитга кийгизиб қўйди. Биринчи галда аскарни ўйлаш, уни бекаму кўст қилиб қўйиш керак, дея мутасадди ҳарбийларга танбеҳ берди. Ҳақиқатан ҳам, мустақил давлатимиз рамзлари — герб ва саккиз қиррали юлдуз миллий армиямиз формасини кийиб кўкрак кериб турган саф-саф забардаст йигитларни кўриб кўз қувонади. Лекин улар орасида собиқ шўро армиясининг ҳарбий белгилари — юлдузларини тақиб юрган аскарлар ҳам учраб қолди. Президент давлат ва миллий армия рамзлари муқаддас эканини таъкидлади. Бу зобит ва қўмондонларнинг масъулиятсизлиги, бепарволиги оқибати бўлиб, айрим бўлинмаларда сиёсий-тарбиявий ишлар паст даражадалигини кўрсатади, дея бундай ҳолатларни кескин танқид қилди. Уларга барҳам бериш зарурлигини уқтирди.

Сурхондарё республикамизнинг мўл қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириладиган вилоятларидан биридир. Президент Термиз туманидаги «Халқобод» жамоа хўжалигининг Холтожи Эрназаров бошлиқ бригадаси пахта далаларида бўлди. Хўжалик 1850 тонна ингичка толали пахта топшириб, йиллик шартномани бажарган. Ҳосилдорлик 36 центнерни ташкил этган. Бу ерда туман, хўжалик раҳбарлари ва деҳқонлар билан пахтачиликни янада ривожлантириш йўллари хусусида суҳбат бўлди. Икки йилдирки, мазкур хўжаликда «Термиз-31» пахта нави экилаётган экан.

Бир пахта навини синовдан ўтказиш, унинг самарадорлигига ишонч ҳосил қилиш учун 5-6 йил муддат керак, — деди Президент суҳбат чоғида. Аслида бу ишни мутахассис олимлар амалга ошириб, деҳқонларга муайян ҳудудга мослаштирилган 3-4 пахта навини тавсия этишлари лозим. Деҳқон эса улардан маъқулини танлаб олсин. Умуман биз пахтачиликда кескин ўзгариш қилишимиз даркор. Сизлар Андижондаги плёнка остида пахта етиштириш тажрибасидан хабардорсиз, албатта, модомики, бу усулда пахта ўрта ҳисобда 25 кун олдин етилар, унга деярли икки баравар кам сув меҳнат сарфланар экан, бу тажрибани яна бир карра пухта ўрганиб, тезроқ жорий этиш керак.

Биз бу ерга келаётиб, қўшни бригада пахта далаларини ҳам кўздан кечирдик. Октябрь ойи бўлишига қарамай, ғўза ҳалигача кўмкўклигича турибди. Нега бир жамоа хўжалигида бундай икки хил манзара кўзга ташланади?

Хўжалик раҳбари Бахтиёр Қурбонов бу ҳолни ғўзага ишлов бериш ва ўғит солиш кечиккани билан изоҳлади.

Гап бунда эмас, деди Президент, бу ҳолнинг сабаби кўплаб раҳбар ва деҳқонларимизнинг пахтага кўзи очлигидадир. Улар ғўза учидаги 3-4 қўшалоқ кўсак пайдо бўлмагунча ишловни давом эттираверади. Деҳқонлар буни «шапка» деб атайди. Гўёки ана шу «шапка» бўлмаса, кўнгли тўлмайди. Негадир улар ҳисоб-китобни, ҳозирги бозор шароитида тонна эмас, даромад асосий мезон эканини ўйламаяптилар. Ноябрда териб олинадиган пахтадан қандай фойда олиш мумкин? Ҳосилни тезроқ етилтириб, сентябрь охири, нари борса, октябрнинг биринчи ярмида териб олиб, юқорироқ сортларга топширган деҳқон ўрнига ёғин-сочинга қолмасдан такрорий экин экиб олади. Америкада пахтани бир марта, баъзи холдагина икки марта териб олишади. Чунки улар фойда-зарарни яхши билади. Мана шу мисол ҳам Андижон тажрибасини тезроқ қўллашни тақозо этади.

Суҳбатда қишлоқ аҳлининг турмуш шароитини яхшилаш, янги иш жойлари барпо этиш, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишини ривожлантириш хусусида ҳам гап борди.

Ҳар бир етакчи ўз жамоаси, тумани учун муайян маънода карвонбошидир, деди Ислом Каримов. Карвонбошининг эса ҳаловати бўлмайди. У одамлар ташвиши билан яшаши керак. Туманда шу йилнинг ўзида 843 хонадон газлаштирилибди, 25 та уй қурилибди, 740 янги иш ўрни очилибди. Бу озми-кўпми? Одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш учун яна нималар қилиш керак? Мана шундай саволлар раҳбарга тинчлик бермаслиги лозим.

Президент Термиз шаҳридаги «Ўзбекистон беш йиллиги» деб номланган теннис мажмуини бориб кўрди. Миллий услубда қурилган, шарқона меъморчилик анъаналари асосида безатилган 1200 ўринли теннис корти шаҳарнинг ҳуснига ҳусн қўшган. Айниқса, бу ерда бажарилган ўймакорлик ишлари киши кўзини қувонтиради. Президент мазкур спорт мажмуи ишини янада такомиллаштириш юзасидан фикр билдирди.

Ислом Каримов вилоят раҳбарлари билан ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ободонлаштириш ишларини кучайтириш хусусида суҳбатлашди. Уларга бу борада аниқ топшириқ ва кўрсатмалар берди.

Инсон Ватаним менга нима берди деб эмас, балки мен Ватанимга нима бера олдим, унинг тинчлиги, фаровонлиги, келажаги йўлида нима иш қилдим, дея яшаши керак. Сурхон воҳасидаги учрашув ва суҳбатлар чоғида ана шу ибратли ақида тез-тез такрорланиб, юртдошларимиз қалбига мустақилликни қадрлаш, она-Ватанга садоқат туйғулари, истиқлол ғоялари теран сингиб бораётганидан далолат берди.

Давлатимиз бошлиғининг Сурхондарё вилоятига сафари чоғида унга Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғуломов, Сурхондарё вилоят ҳокими Ж. Норалиев ҳамроҳлик қилди.

Аҳмад ХЎЖА,
ЎзА махсус мухбири.

ҚЎШНИНГ ТИНЧ БЎЛСА...

Вилоятимиз ҳудуди Афғонистон давлати билан чегарадош. Шунинг учун бу заминда озгина безовталик рўй берса, аввало биз таъсирланамиз. Президентимизга раҳмат, куни кеча Сурхондарёга ташриф буюриб, кўнглимизни хотиржам қилдилар. Биз эл-юрт тинчлиги ва осойишталиги учун курашувчи юртбошимиз борлигидан чексиз фахрланамиз.

Афғонистон тупроғида рўй бераётган бедодликларни эзгу ниятли инсонлар қораламоқда. Бу борада республикамиз раҳбарияти тутган сиёсатни бутун халқимиз, шу кунларда «оқ олтин» хирмонини юксалтириш билан банд пахтакорларимиз астойдил қўллаб-қувватламоқдалар.

Иброҳим ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Денов туманидаги Собир Раҳимов номли жамоа хўжалиги раиси,
Ўзбекистон Қаҳрамони.

АФҒОНИСТОНДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

Жаҳон матбуоти хабарлари бўйича

Ўзбекистон Хавфсизлик кенгаши Афғонистондаги вазиятни муҳокама қилишга бағишланган фавқулодда сессия ўтказди, деб хабар қилишди жаҳон агентликлари. Тошкент ушбу мамлакатда бўлаётган воқеалар ҳақида «жиддий ташвишланаётганлиги»ни расмий тарзда билдириб, ўзининг «қўшни давлатларнинг ички ишларига аралашмасликка қаратилган ташқи сиёсати»ни ўтказиш ҳақидаги фикрини билдирди.

БИ-БИ-СИнинг хабарига кўра, ушбу радиостанциянинг мухбири Лондонга ташриф буюрган Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комиловга мурожаат қилиб, Афғонистондаги сўнгги воқеаларга Ўзбекистон ҳукуматининг муносабатини шарҳлаб беришни сўради.

«Бизнинг Афғонистонга бўлган муносабатимиз, — деди вазир, илгари ҳам бир неча бор маълум қилинган ва у қуйидагичадир: биринчидан, биз Афғонистонни ҳудудий жиҳатдан яхлит, бўлинмас бўлишини истаймиз, иккинчидан, унинг ички ишларига ҳар қандай аралашишни тўхтатиш зарур, учинчидан, Афғонистон тақдирини афғон халқининг ўзи ҳал қилиши лозим. Биз Афғонистон муаммосини тинч йўл билан, музокаралар асосида ҳал қилиш тарафдоримиз.

Ўзбекистоннинг Афғонистонга қурол-яроғларни олиб киришни чеклаш ҳақидаги ташаббуси ҳам жаҳон жамоатчилигига яхши маълум. Биз бу нарса муаммони бирданига ҳал қилади, демаймиз. Бироқ, ҳар қандай шароитда ҳам тинчлик жараёни давом этиши учун ушбу жанжалли ҳудудга қурол-яроғларни келтиришни тўхтатиш талаб этилади. Биз бу масалага комплекс ёндашиш зарур деган фикрдамиз. Агар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Афғонистон бўйича конференция чақирадиган бўлса, таъкидлаб ўтмоқчиманки, фақат Бирлашган Миллатлар Ташкилотигина конференция чақирадиган бўлса, биз уни қўллаб-қувватлашга тайёрмиз ва таклиф этишса унда қатнашамиз».

Қуриниб турган ҳарбий маглубиятларга қарамай Афғонистон ҳукумати кучлари толибларга қарши бўлган кучларни бирлаштириш ва қаршилик кўрсатишни давом эттириш учун бутун куч-ғайратини сарфламоқда, деб ёзади Ғарб матбуоти. Афғонистон ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Абдул Раҳим Ғафурзай БМТга хабар қилиб, унинг ҳукумати мамлакатнинг шимолий вилоятларидаги Праван ва Каписда туриб тўла куч-қувват билан ҳаракат қилмоқда, деди. Ғафурзай жума куни журналистларга шуни айтдики, президент Бурҳониддин Раббоний ва Бош вазир Гулбиддин Ҳикматёр ҳам шимолда туриб «ҳарбий режалар тузиш билан банд» ва Афғон халқини «Толибон» деб аталган гуруҳнинг ҳаракатига қаршилик кўрсатишга ва курашишга даъват этмоқда. Ҳикматёрнинг ҳалок бўлганлиги ҳақидаги хабарлар «гирт бўҳтон», қўшиб қўйди афғон дипломати. Унинг сўзларига қараганда айни пайтда Афғонистон ҳукумати ва генерал Дўстум раҳбарлигидаги Афғонистон шимолидаги Ислом ҳаракати ўртасида музокаралар олиб борилмоқда. Музокара иштирокчилари «мамлакатнинг ватанпарвар кучларини бирлаштиришга даъват этувчи миллий бирлик ҳукумати»ни тузиш вазифасини қўймоқдалар.

СИ-ЭН-ЭННинг хабарига кўра, толибларнинг янги афғонча тартиби Афғонистон ҳудудининг тўртдан уч қисмини назорат қилиб турибди. Мамлакат шимолида эса генерал Абдул Рашид Дўстум ўз мавқеини мустаҳкамламоқда. Дўстум илгари ўз назоратида турган ҳудудларни қўлдан бермаслигини аллақачон маълум қилган.

«Америка овози» радиостанцияси афғон генерали Мажид Рўзи ҳар қандай шароитда ҳам толибларга қарши

тура оламан» деб баёнот берган лигини хабар қилади. Генерал Мажд Салант довонидаги қўшинлар қўмондони бўлиб, энг муҳим стратегик объектларга олиб борадиган ана шу жойларда ҳарбий ҳаракатлар олиб бораётир. Худди ана шундай мавзу «Ассошиэйтэд Пресс» берган хабарда ҳам янграйди. Шимолий стратегик йўналишда Дўстумнинг ҳаракатдаги генерали ҳисобланмиш Мажид Рўзи мустаҳкам позицияни эгалламоқда. Дўстумнинг хабар беришича, у ўз фронтини мустаҳкамлаш учун қирқ минг аскар юборибди. Дўстум ўзбек ва тожиклар истиқомат қиладиган Афғонистоннинг еттита шимолий вилоятини ўз назоратида сақлаб турибди.

Генерал Дўстум Саланг довонидаги позициясини мустаҳкамламоқда. «Толибон» отрядлари бир неча километр пастда туришибди ва ҳеч қандай чора кўришмаяпти, деб шарҳлайди «Рейтер» агентлиги.

Россия ҳукуматининг раиси В. Черномирдин 4 октябрда, куннинг иккинчи ярмида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон Президентлари билан учрашиш учун Алматига учиб кетди. Томонлар Афғонистондаги вазиятнинг мураккаблашувини муҳокама қилишни ва умумий ҳаракат дастурини ишлаб чиқадилар, деб хабар қилади ИТАР—ТАСС.

Толибларнинг олий раҳбари Муҳаммад Умар Афғонистонда бошқарув кенгаши тузилганлигини эълон қилди. Барча эркакларга — хизматчию ҳарбийларга икки ҳафта ичида соқол ўстириш буюрилди. Мамлакат агар асрларга бўлмаса, ўн йилларга орқага чекинаётганга ўхшайди, деб таъкидлашмоқда йирик жаҳон агентликларининг халқаро шарҳловчилари.

«Америка овози»нинг хабарига кўра «Эмнисти интернейшнл»нинг маълум қилишича, мингга яқин фуқаролар толибонлар Кобулда ўз назоратларини ўрнатгунларига қадар ушбу шаҳар турмаларига ташланганлар. «Эмнисти инернейшнл» айниқса Кобулдан қочиб кетган Афғонистон президенти Бурҳониддин Раббонийга тарафдорликда айбланиб қамалган шахслар тақдири ҳақида чуқур қайғурмоқда. Ана шу ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотининг вакили Марк Огле қуйидагича баёнот берди:

«Ана шу қурбонларнинг қарийб барчаси ёш йигитлардир. Уларнинг қариндошлари бу ёшлар қаерда эканлигидан бехабардир. Кўпгина қариндошлар ҳибсга олинганлар толибон жангчиларининг Афғонистон шимолидаги Панжшир водийсида ҳаракат қилиш йўлларидаги мина майдонларини тозалашда фойдаланишларидан хавфсирамоқдалар».

Огле «Эмнисти интернейшнл» номидан толибларнинг раҳбарлари босиқликка ваъда берганларига қарамай уларнинг тартиб посбонлари Кобулни тозаламоқдалар, назоратчилар гуруҳининг сўзларига кўра террорчиликни авж олдирмоқдалар, дея ташвиш билдирди.

«Биз ислом динидан чекинишда гумон қилинган хонадонларда толиблар магнитофон, кассета, журнал ва ўйинчоқларни қидириб топмоқдалар. Биз ҳатто толиб жангчиларининг болаларга нисбатан ҳам куч ишлатаётганликларининг гувоҳи бўлдик. Шоҳидларнинг ҳикоя қилишларича, саккиз ёшли болакай ана шундай қурбонларнинг бири бўлган. У ўз уйи ёнида музикали ўйинчоқ билан андармон эди. Толибларнинг тартиб сақловчилари ўйинчоқни синдириб ташлашди ва ғудакнинг қулоқ чеккасига бир неча бор уришди.

«Эмнисти интернейшнл» жаҳондаги барча ҳукуматларни толиблардан Афғонистондаги барча фуқароларга нисбатан инсон ҳуқуқларининг асосий нормаларини бажаришни талаб этишга даъват этди.

БЕДОДЛИККА ЧЕК ҚЎЙИЛСИН!

Қўшни Афғонистон давлатида кейинги кунларда рўй бераётган воқеалар мустақил диеримиз фуқароларидан ҳеч бирини ташвишлантирмай қўймаяпти. Маълумки, кейинги йилларда машаққатли синов ва уруш офатига учраган ва мамлакатда турли сиёсий-этник гуруҳлар ва ҳаракатлар ҳокимият учун узаро курашмоқда.

Бугунги кунда толиблар Афғонистонда энг ашаддий диний-сиёсий ва ҳарбий гуруҳ сифатида майдонга чиқиб ўз ҳукмини ўтказишга уринмоқда. Афғонистондаги бу қонли ҳодисаларни бутун жаҳон афкор оммаси кескин қораламоқда. Ўзбекистоннинг тинчликсевар, бағри кенг халқи бу мамлакатда барқарорлик ва осойишталик ўрнатишини талаб қилмоқда. Биз, зиёлиларнинг мақсадимиз ҳам худди шундай: бедодликка чек қўйилсин!

Шуҳрат МАҲМУДБЕКОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

ИМКОНИЯТ ЭШИГИ

Уни ишбилармон, тадбиркор раҳбаргина оча олади

Мустақил Ўзбекистонимиз жаҳонга юз тутганига олтинчи йил бўляпти. Ривожланган мамлакатлар даражасида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун ўзимизда бор катта имкониятлардан фойдаланиш, ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш кераклигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Хўш, бунга эришиш учун нима қилиш керак? Президентимиз Вазирлар Маҳкамаси Мажлисида таъкидлаганидек, раҳбар кадрларни тўғри танлаш, улар эркини қўлига бериш, масъулиятини ошириш даркор. Шу мақсадда бултур Бухоро вилоятида кўплаб хўжаликларнинг раҳбарлари алмаштирилди. Хўш, самараси кўриндими? Кўринганда қандоқ, қолоқлик чекинди, қишлоққа саноат дадиллик билан олиб кириляпти, қўшимча ишчи ўринлари яратиляпти, бироқ...

Янги замон одами

Бултур Шофиркон туманида пахтачилик, чорвачиликда сезиларли силжишларга эришилди. Ерлардан олинадиган ҳосил салмоғи, чорва моллари маҳсулдорлиги анча ошди. Туман ҳокими Ғайбулла Диловнинг таъбирича, ўзгаришлар замирида кадрлар меҳнати ётади. Бир пайтлар Шароф Рашидов номли жамоа хўжалиги иқтисодий жиҳатдан чўкиб қолганди. Шу боис одамларнинг кўли меҳнатдан совиб раҳбарларга ишончи йўқолганди. Ботир Олимов хўжаликка раҳбар бўлди-ю, бу ишончсизликка чек қўйилди. Хўш, имкониятни илгариги раҳбарлар пайқашмаганми, пайқашган. Аммо, раҳбарликнинг тез-тез қўлдан-қўлга ўтиши деҳқоннигина эмас, балки бошқа касб эгаларини ҳам парокандаликка ўргатганди. Ботир ака ортиқча йиғилишлар, ақл ўргатишдан ўзини тийди. Ахир, ернинг ҳам, техниканинг ҳам эгаси бор. Ҳаммасига эркинлик берди. Хуллас, бултур кўзда ғалвир сувдан кўтарилганда ҳамма эркин нафас олди. 658 гектар ердан 32 центнердан пахта олинди. Бу — 45 миллион сўм даромад демак. Ихтиёрида қолган тола сотилса, 27 миллион сўм чўнтакда накд қолади. Бунинг устига 480 тонна шелуха, кунжара, 100 тонна пахта мойичи? Сарф-харажатлар ҳисоб-китоб қилинди: 10 миллион сўм яна хўжаликни юксалтириш, ижтимоий масалаларни ҳал қилишга асқотаркан.

— Мана, бўларкан-ку, — дейишяпти Шароф Рашидовликлар, — қишлоғимизга газ, водопровод қувурлари тортиляпти. Бу асрий орзумиз эди.

Ярим йилда хўжаликда катта омборхона, спорт майдони қурилди. Мактаблар таъмирланди. Иситиш тармоқлари созланди. Нотўқима материаллар цехи қурилди. Ғишт заводи яқинда ишга туширилади. Жун, сув текин бўлган шу дамларда уни йигирадиган цехга талаб юзага келди. 50 киши ишлайдиган цехда жундан тўқилаётган гилам қишлоқ аҳолиси хонадонини безаяпти. Бу ерда кичик фабрика ташкил этиш мўлжалланяпти. Ҳозир шунингдек, сабзавотни қайта ишлаш цехи ҳам қуриляпти.

— Эл ишончи — қудратли куч, — дейди Пешку туманидаги А. Навоий номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Неъмат Жўраев. — У ҳамиша раҳбарни ҳушёр торттиради, халқни ўйлашга даъват этади. Кўпчилик раисликни мартаба деб, ўйлайди. Бундай эмас. Раҳбар ношуд бўлса, меҳнаткашини қашшоқ қилади.

Ҳа, Неъмат ака ҳақ гапни айтди. Ғиждувон туманидаги «Оқолтин» жамоа хўжалигига ношуд раҳбарлар келавергач, халқнинг тинкаси қуриди. Хўжалик қолоқлик ботқоғига ботгандан ботди. Энди уни оёққа турғазиш чеки бошқалар зиммасига тушганки, аҳволни тўғрилаш қийин кечяпти.

Энди Неъмат Жўраев бошлиқ жамоа хўжалиги эришаётган ютуқларга қайтсак, дил яйрайди. Бултур 621 гектар ердан 35,4 центнердан ҳосил олинди. Ғалла ҳам мўл бўлди. Халқ эҳтиёжини қондириш учун бу йил ғалла майдони кенгайтирилди. Хуллас, раиснинг қадами қутлуғ келди. Ҳозир аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқлари кенгайтириляпти. Шу йилнинг ўзида камида 250 киши ишлайдиган кичик корхона ҳамда 30 дан ортиқ савдо, маиший хизмат кўрсатиш дўконлари ташкил этиш кўзда тутилган.

— Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида раҳбар фаолияти у иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичи вазифаларини қай даражада амалга ошираётганлигига қараб баҳоланади, — дейди Вобкент туманидаги Ином Наимов номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Зокир Ҳусенов. — Кўпга бош бўлган киши омилкор, тадбиркор, ташаббускор бўлиши, янгиликни тезда илғаб олиши керак. Ҳозир янги вазифалар кўп. Кимки уни уддаласа, уни халқ ардоқлайди. Бизда ҳам аҳолининг аксарияти деҳқончилик билан банд. Халққа хизмат кўрсатувчи тармоқларда ишловчилар эса жуда кам. Шуни инобатга олиб, қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар сонини кескин камайтириш чораларини кўряпмиз.

Ҳозир деҳқонга катта имкониятлар берилган. Қўл қовуштириб ўтиришдан ҳеч ким фойда кўрмаганидек, кўкдан чалпак ҳам ёғилмайди. Раис тадбиркор Кенжа Бердиев билан маслаҳатлашиб халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш тармоғини кенгайтирди. Айни пайтда 8-бригада дала шийпонида кигиз босиш цехи очилди. Тайёр маҳсулот аҳолига арзон нархда сотиляпти. Бундан ташқари тўқувчилик, тикувчилик цехлари ишлаб турибди. Уларда пахта териш этаклари, ишчи коржомалар тикиляпти. Улар бозор нархидан анча арзон.

— Илгари болалар боғчаларини нон билан таъминлаш учун биздан нон комбинати ойига 32 минг сўм оларди, — дейди К. Бердиев. — Ҳозир ўзимизнинг новвойхонамиз бор. Харажатлар анча камайибгина қолмай, балки халққа ҳам осон бўлди. Улар нон учун туман марказига боришмайди. 2 тонна пахтамиз бор. Меҳнаткашларимиз учун ундан кўрпа-тўшак тикишда фойдаланяпмиз.

Афсуски, вилоятдаги ҳамма хўжаликларда ҳам имкониятлар эшигини очишга қодир раҳбарлар ишлаяпти, деб бўлмайди. Шу боис Жондор, Қоровулбозор, Когон туманларида ислоҳотларнинг иккинчи босқичи сust бораяпти. Кўпгина соҳалардаги қолоқлик борган сари чуқур илдиз отаётгани, айниқса, ташвишли. Бу эса жойларда ислоҳотларнинг тезроқ рўёбга чиқишига соя солмай қўймайди. Ўйлаймизки, бу муҳим масалалар вилоят ва туман ҳокимликларида жиддий эътиборга олинади!

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СУРАТКАШ НИГОҲИДА "ПАХТА —96"

Турғунбек МАҲКАМЗОДА олган суратлар.

***СУРАТЛАРДА:** Наманган вилояти Уйчи туманида пахта терими қизғин.*

ПАХТА-ВАТАНГА

Республика вилоятларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1996 йил 4 октябргача бўлган маълумот
(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Вилоятлар	бир кунда	мавсум бошидан буён
Андижон	1,77	72,55
Сурхондарё	1,49	62,39
Бухоро	1,55	60,68
Хоразм	1,64	58,95
Навоий	1,55	54,85
Фарғона	1,39	53,35
Самарқанд	1,52	52,92
Қашқадарё	2,25	50,86
Наманган	1,80	46,71
Қорақалпоғистон Республикаси	1,18	34,28
Тошкент	2,55	33,57
Сирдарё	2,00	21,22
Жиззах	1,75	20,49
Республика бўйича	**1,73**	**48,55**
ШУ ЖУМЛАДАН ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА (тонна ҳисобида)		
Сурхондарё	816	22139
Қашқадарё	441	5215
Наманган	-	-
Республика бўйича	**1257**	**27354**

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«МИЛЛИЙ МАКТАБ ЗАРУРМИ, МИЛЛИЙ ТАРБИЯМИ?»

Шу йил 8 февралда газета саҳифасида чоп этилган «Миллий мактаб зарурми, миллий тарбиями?» сарлавҳали мақола кенг маорифчилар жамоаси орасида баҳс ва мунозараларга сабаб бўлди.

Муаллифнинг миллий мактаб, миллий тарбия ҳақидаги мулоҳазалари халқ таълимида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилаётган бир даврда айниқса долзарбдир.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ёш авлодни асрлар давомида шаклланган шарқ педагогикаси, умумбашарий қадриятлар асосида тарбиялаш мақсадида бир қатор ишларни амалга оширди. Жумладан, ўқувчилар онгига ўзбек миллий урф-одатларини сингдириш, одоб-ахлоқ фазилатларини шакллантириш мақсадида синфлар учун мактабларда «Одобнома» дарслари ўқитилмоқда. Бу фан учун қўлланмалар, дастурлар яратилди.

Шунингдек, аждодларимизнинг маданий меросларини ўрганиш мақсадида шаҳарларда «Маданий меросга ихлос» марказлари ташкил этилган. Унинг тингловчилари бу масканда буюк бобокалонларимиз Ибн Сино, Улуғбек, Исмоил Бухорий, Амир Темур, Навоий, Бобур, Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Абдулла Авлоний ва бошқаларнинг илмий меросларидан баҳраманд бўладилар.

Вазирлик умуминсоний қадриятларни тиклаш, китобхоналарнинг маданий ва маънавий савиясини ошириш мақсадида Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ», Е. Саидовнинг «Оталар сўзи— ақлнинг кўзи», Т. Қурбонов ва О. Тўраеванинг «Одобнома» китобларини кўп нусхада чоп эттириб, мактаб кутубхоналарига тақдим этди.

Истиқлол шарофати, «Таълим тўғрисида» қонун, «Давлат тили тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши муносабати билан умумтаълим мактабларида ўқитиладиган барча предметлар мазмунан янгиланиб, уларга миллий таълим ғоялари сингдирилди. Масалан, биргина ўзбек адабиёти дарслигига миллий руҳ, миллий қадриятлар, ватанпарварлик ғояларини тараннум этувчи, ўқувчида эстетик дидни, бадиий таҳлил кўникмаларини шакллантирувчи асарлар танлаб олинди. Шу жумладан, Ўзбекистон тарихига оид дарсликлар яратилди, жисмоний тарбия машғулотлари учун миллий ўйинлар дастури ишлаб чиқилди.

Миллий ҳунармандчиликка меҳр қўйиш ҳам ота-боболаримизнинг меҳнат илмига бўлган ҳурмат нишонасидир. Шу муносабат билан республикада ҳунар лицейлари, катталар таълим марказлари, ҳунар билим юртларида талабаларга бир неча миллий ҳунарлар ўқитилиб, ўргатилмоқда. Бу борада уста-шогирд мактабларини ташкил этиш ҳам яхши самаралар бермоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мустақил Ўзбекистонимизда халқ педагогикасини жорий этиш ва уни мактабга жадал олиб кириш асосий вазифалардан биридир. Бу вазифани тўла қонли бажариш таълимни яна ҳам миллийлаштиришга кенг имкон яратади.

М. СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари.

МУҲАНДИСНИНГ ИХТИРОСИ

Арнасой туманидаги «Андижон» деҳқон хўжаликлари уюшмаси бош муҳандиси Довуд Сиддиқов ўз устахонасида янги плуглар ясади. Одатдаги плугларнинг чимқирқарлари аниқ ҳисоб-китоблар асосида махсус рамага тўрттадан ўрнатилди. «МТЗ-80» ва «Белорусь» тракторларига тақиб ишлатиладиган мазкур плуглар бошоқли, дуккакли, илдизпояли экинлар ва маккажўхори экишда жуда унумли, иқтисодий тежамли экани эътироф этилди.

— Одатдаги плуглар «Олтой» тракторларига тақиб ишлатилганда 10 гектар ерни шудгорлаш учун 60 литр ёнилғи

Диққат, янгилик!

кетади, — дейди 9-ширкат раиси Турсунбой Ҳамроев. — Довуд аканинг плуглари билан шунча ерни шудгорлашга «МТЗ-80» трактори 34 литр ёнилғи сарфлайди. Намхуш тупроқ шароитида ишлатилса, бу митти плугларнинг иш сифати катта плугларникидан жуда кам фарқ қилади — 25-27 сантиметр чуқурликда шудгорлайди.

Туман деҳқончилик саноати уюшмаси мутахассислари Довуд Сиддиқов ясаган плуглар кузги ғалла экиш мавсумидаёқ хўжаликка 2 миллион сўмдан зиёд фойда келтиришини ҳисоблаб чиқдилар. Арнасой туман ҳокимлиги мазкур ихтирони маъқуллаб, дала ишларида кенг қўллашга қарор қилди.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СУВ МУАММОЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

ТОШКЕНТ. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, суғориш ишларида тежамкорликнинг янги усуллари ва технологиясини жорий қилиш, оқар сувларни турли кимёвий элементлар ва ифлосланишдан муҳофаза қилиш, ичадиган сувларнинг сифатли бўлишини таъминлаш жаҳондаги мутахассислар олдида турган долзарб муаммолардан ҳисобланади. Мазкур масалага бағишланган халқаро конференция Тошкентда бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Республикаси ФА Сув муаммолари институти, Тошкент ирригациялаш ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Америка гидрология институти, АҚШ геология хизмати кўрсатиш муассасаси томонидан уюштирилди. Шунингдек, анжуманда Ўзбекистон Республикаси Гидрометерология бош бошқармаси, «ЭКОСАН» халқаро фонди, Ўрта Осиё ирригация илмий-текшириш институти ва бир қатор Америка уюшмалари, жамиятлар, университетлар фаол катнашдилар.

Содиқ МЎМИНОВ.

ДАВЛАТ АРБОБИ, БУНЁДКОР, ҲОМИЙ

Киев шаҳрида «Амир Темур ва унинг даври» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. У Украинадаги Ўзбекистон элчихонаси томонидан Украина Фанлар академияси шарқшунослик институти билан биргаликда ташкил этилди. Анжуманни Украина Бош вазирининг ўринбосари И. Курас очиб, Президент Л. Кучманинг табригини ўқиб эшиттирди.

— Амир Темур қиёфасида давлат арбобига хос ғайрат, бунёдкорга хос катта миқёс ҳамда фан ва санъат ҳомийсига хос олижаноб фазилатлар мужассамлашган эди, — дейилади табрик хатида. — Унинг фаолияти давлатнинг қудратини ва иқтисодий равнақини таъминлади. Марказий Осиё минтақаси тараққиётига сезиларли туртки берди.

Украина Президенти илмий анжуман қатнашчилари Амир Темурнинг давлатчилик ва ҳарбий соҳадаги ютуқларини даврнинг мураккаб тарихий воқеалари заминида ҳаққоний тадқиқ этадилар, деб ишонч билдирган.

Конференция ишида Украина ва Узбекистон олимлари, Киевда руйхатга олинган дипломатия корпуси вакиллари иштирок этдилар.

Унда сўзга чиққанлар буюк Соҳибқиронинг давлат арбоби ва саркарда сифатида жаҳон тарихида тутган ўрнига юксак баҳо бердилар. Амир Темур шахсини баҳолашдаги чуқур ва ҳар томонлама ёндашувни ҳисобга олиб, конференция материалларини алоҳида китоб ҳолида чоп этишга қарор қилинди.

Қатнашчилар Амир Темурнинг 660 йиллиги ва Узбекистон мустақиллигининг 5 йиллигига бағишланган кўргазма билан ҳам танишдилар.

«ЖАҲОН» ахборот агентлиги.

МУҲИДДИН ТАБИБНИНГ ЯНГИ МАРКАЗИ

НАМАНГАН. Минг йиллар қаърида йиғилиб келган ва ҳозир буюк хазинага айланган халқимизнинг табобат соҳасидаги билим ва башоратлари ҳам истиқлол туфайли эл-улусга наф бера бошлади. Бундан олти йил муқаддам наманганлик табиб Муҳиддин Умаров Шарқ табобати усулида беморларни даволай бошлаганди. Бемор томирини ушлаб, бир лаҳзада ташҳис кўя оладиган Муҳиддин табибга қатновчилар кўпайгандан-кўпайди. Вилоят ҳокимлиги ёрдами билан Муҳиддин Умаров шахсий жамғармаси ҳисобига янги, том маънода Шарқона услубда, сержило мармардан пардоз қилинган Шарқ табобат маркази ишга туширилди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

Ҳукм ўқилди

ПОРАХЎР МИЖОЗ ИЗЛАР

Эл-юрт қаддини ростласин, тараққиёт томон одимласин деган ниятда Ўзбекистон ўз ислоҳот йўлини танлади. Бозор иқтисодиётига поғонама-поғона ўтишда тиргак бўладиган фондлар тузилди. Агентликлар ташкил этилди. Шулардан бири «Мадад» суғурта агентлиги эди. У кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини янада кучайтиришга хизмат қиляпти. Афсуски, ана шу обрўли ташкилотга суқулиб кирган айрим нопок кимсалар унинг нуфузига доғ туширди.

Равшан Кочкоров «Мадад» суғурта агентлигининг Сирдарё вилояти филиали директори лавозимига эндигина қўйилганди. Ўттиз олти ёшдаги бу киши йўлдан оғди. Масъул, мансабдор шахс бўла туриб, ўзининг хизмат лавозимини нафси йўлида суиистеъмол қилди.

... Ўтган йилнинг декабрь ойи. Шароф Рашидов туманида жойлашган «Сардор» деҳқон-фермер хўжалигининг раҳбари Холмурод Элмуродов «Бизнесфонд» идорасидан имтиёзли кредит олмоқчи бўлади. Белгиланган тартибга кўра аввало Холмурод ўзига суғурта шартномаси тузади. Сўнг суғурта полиси олиш мақсадида ҳужжатларини «Мадад»нинг директори Р. Кочкоровга топширади.

Аслида агентликка мурожаат қилган мижозларнинг ҳужжатлари ўн кун муддатда кўрилиб, тегишли қарор қабул қилиниши керак. Директор буни била туриб, ҳар хил баҳоналар изслайди. Негаки, нияти бузилганди. Шу сабаб суғурта шартномаси тузишни пайсалга солади. Ҳужжатларни ҳатто белгиланган тартибда руйхатдан ўтказмай уни вақтида расмийлаштирмайди.

Ишни атайлаб пайсалга солган Равшан Кочкоровнинг миясида фақат бир фикр айланарди. «Деҳқон-фермер» дегани жуда бой. Олдида сурув-сурув отари бор. Ундан фойдаланишим керак! Мушук бекорга офтобга чиқадими?!»

Ана шу таъма бошлиқни занжирбанд этганди. Ўшандан-да ўз манфаатини деб у навбатдаги қонунсизликларгаям қўл урди. 1996 йил 13 январь куни «Сардор»нинг ҳужжатларини суғурта агентлиги қошида тузилган экспертлар кенгаши кўригидан ўтказмай, ўзи қарор чиқарди. Қонунбузарликни давом эттириб, шартномага имзо чекди. Ҳал бўлган ҳужжатни эса ўзида сақлади. Устига-устак шу йилнинг январь ойи ҳисоботида ҳужжатлар «Бизнесфонд» идорасига юборилган деб кўрсатилди.

Деҳқон-фермерга эса ҳар дақиқа ғанимат эди. Шу сабабдан Элмуродов 22 февралда илинж билан яна Кочкоров олдига келади.

— Ишимиз нима бўлганлигини билай дегандим. Вақт ҳам кетяпти.

Уддабурон директор муддаога кўчиш пайтини сезади. Аммо даб-дурустдан айтгиси келмайди.

— Имтиёзли кредит олиш осонми, биродар? Бу омад ҳаммагаям насиб этавермайди. Қолаверса, ҳужжатларингизда камчиликлар бор. Ҳал бўлмаган. Лекин!..

Кочкоров «лекин»га атайлаб урғу бераркан Элмуродовга кўз остидан қаради. У бефарқ эди. «Ишбилармон» директор фермернинг омилигидан ранжиган қиёфада муддаога кўчди:

— Чўпон халқи аввал-азал тушунтирсанг қилади. Гап бундай, дўстим. 25 минг сўм олиб келасиз! Фақат шундан кейин ишингиз тезда битади. Ваъда, ваъда.

Очиқ савдони кутмаган Элмуродов ҳиёл довдираб турғач, ўзини қўлга олади.

— Агар ишонсангиз бунча пулга кучим етмайди. Ҳозирча 15 минг сўм бера қолай...

«Савдо» хамирдан қил суғургандек битганидан хурсанд Кочкоров рози бўлади.

Ваъданинг эртаси. 23 февраль. Пешин маҳал. Х. Элмуродов келишилган 15 минг сўмни Равшан Кочкоровнинг хизмат хонасига келтириб беради. Поранинг бир қисмини қуртдай санаб олган директор мамнун ишшаяди.

— Эркакнинг сўзи битта бўлади. Тез кунда қолган 10 мингини ва нархи 6 минг сўм турадиган 65 килолик кўчқорни етаклаб келасиз. Келишдиг-а ўғил бола?!

Порахўр шундай дея деҳқон-фермерга уй манзилини бир парча қоғозга ёзиб узатади. Лекин унинг хонадонига бошқалар боришига тўғри келди...

Воқеадан хабардор этилган Ўзбекистон Республикаси ИИВ ва вилоят прокуратураси тезкор ходимлари ҳамкорликда Р. Кочкоровнинг хизмат хонасида текширув ўтказиб унинг қўлида, столи устида, кийимлари ва папкасида махсус кимёвий кукун излари ҳамда Х. Элмуродов томонидан берилган 15 минг сўм пулни топишди. У жиноят устида қўлга олинди.

Бундан ташқари, Р. Кочкоровнинг уйи тинтув қилинганда хонадонидан рухсатномаси бўлмаган қўшотар ов милтиғи чиқди. Олти дона ўқ-дори қонунга хилоф равишда уйда сақлаб келинган.

Мазкур жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бошқармаси тергов қилиб, судга оширди. Сирдарё вилоятининг жиноий ишлар бўйича судлов ҳайъати суд мажлиси судланувчи Р. Кочкоровни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддаси 3-қисми «а», «б» бандлари, 248-модданинг 1-қисми билан айбдор деб топди. Порахўр узоқ муддатли жазога тортилди.

Бозор иқтисодиётининг ҳар қадами халқимизнинг урф-одатлари, қадриятлари асосига қурилган. Шундоқ бўлгач, ислоҳот йўлидаги пасту баландликдан шахсий манфаати учун фойдаланмоқ ниятида бўлган Равшан Кочкоровларни ким дейиш мумкин?

Миллат, элат мустабидлик занжиридан озод бўлиб, мустақиллик неъматларидан баҳраманд бўлаётган чоғда Кочкоров кабиларнинг шармандали ҳаракати кечириб бўлмасдир.

Қурбон ЭШМАТОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

ПОЛЯК ШОИРИ НОБЕЛЬ МУКОФОТИ ОЛДИ

Пайшанба кунги манбаларда айтилишича польяк таниқли шоири ва танқидчиси 73 ёшли Вислава Зумбоша 1996 йилги Нобель мукофотига сазовор бўлди.

Швед Академиясида ҳам Вислава ижодига юксак баҳо берилди. «Краков шаҳрининг жанубида не-не шоиртабиат, оташнафас инсонлар камол топди. Шеъриятида ўзига хос «қайноқ» нафаси уфуриб турган Зумбоша шулардан бири. Мукофотни топшириш иштирокчилари ҳам совриндорнинг 12 миллион АҚШ доллари билан тақдирланишидан ҳаяжонини яширолмади. Ўтган йили бундай юксак мукофотга ирландиялик Сеамис Нени сазовор бўлганди.

ҲАВОДАГИ ҲАЛОКАТ

АҚШ терговчилари Перудаги ҳаво ҳалокати сабабларини ўрганишга киришди. Шу ҳафтада Тинч уммонида рўй берган бу фалокат ҳақида кўплаб манбаларда маълум қилинди.

Перу ҳукумати вакиллари Сантьягога учаётган авиалайнернинг ҳавода портлаши натижасида ҳалок бўлган 61 нафар йўловчи ва 9 нафар экипаж аъзоларининг жасадини қидиришга киришилганини маълум қилди.

Экипаж учувчиси охирги алоқада қуюқ туман ва бортдаги компьютерлар яхши ишламаётганини маълум қилганди.

ВАШИНГТОН УЧРАШУВИ ЯКУНЛАНДИ

Пайшанба кунги манбалардан маълум бўлишича, Яқин Шарқда тинчлик ўрнатишга қаратилган Вашингтон учрашуви ниҳоясига етди.

Маълумки, Олий даражадаги Оқ уй учрашувида Исроил бош вазири Беньямин Нетаньяху ва Фаластин давлат раҳбари Ёсир Арофат Исроил-Фаластин ўртасида авж олган уруш оловини ўчириш ҳақида битим имзолашлари кўзда тутилганди.

Афсуски, Вашингтондаги учрашув исроилликларни ҳам, фаластинликларни ҳам қондирмади.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 7

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 Эстрада тароналари.
9.00 «Бозор иқтисодиёти асослари». Публицистик кўрсатув.
9.20 «Куз лавҳалари». Кинодастур.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Эртаклар—яхшиликка етаклар».
11.05 «Эзгуликка йўғрилган умр». Телеочерк.
11.25 «Кўксерик». Бадиий фильм.
13.00 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
13.35 Т. Сулаймон. «Сайёралар нотинч». Телекомпозиция.
14.00—14.05 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Мультипанорама».
18.30 «Фан уфқлари».
18.45 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.05 Биржа ва банк хабарлари.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Темурнома».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Оҳанглар оғушида».
21.35 «Вақт».
21.55 «Морена Клара». Телесериал.
22.45 «Инсон ва қонун».
23.05 «Оҳанглар оғушида».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.05—00.15 «Ватан тимсоллари».
II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Палитра».
19.05 «Услуб». Мода янгиликлари.
19.20 «Клип-антракт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Камертон».
20.10 «Автосалон».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Клип-антракт».
21.05 «Курьер».
21.25 «Уфқлар».
21.45 «Прайм-тайм». Телевидение ҳаётидан.
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.20—00.20 «Спорт қитъаси».
III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Чанқовуз». Телефильм.
*
Россия жамоат телевиденеси
18.10 — 20.35
*
20.35 «Турналар». Телефильм.
*
Россия давлат телевиденеси
21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 Болалар учун кўрсатув.
19.05 Эълонлар.
19.10 «Қирол». Мультфильм.
19.20 «Чироқ».
19.30 «Ҳамкорлик — тараққиёт нишонаси». Ўзбекистонда Германия маданияти кунлари.
19.50 Эълонлар.
19.55 «Авторейд».
20.05 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
20.25 «М» хабар.
20.35 «Сиз учун куйлайман». Санобар Матмуродова.
21.05 «5+1». Интервью.
21.30 Эълонлар.
21.35 «Шлягер».
21.45 «Спорт-тайм».
22.15 Эълонлар.
22.20 Тунги сеанс. «Абдуллажон». Бадиий фильм.
23.50 — 24.00 «Ҳайрли тун!».

СЕШАНБА, 8

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Устоз ва мураббий».
9.05 Биржа ва банк хабарлари.
9.25 «Икки кучукчанинг саргузашти». Мультфильм.
9.35 «Футбол майдонларида».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Бугуннинг ўйлари». Публицистик кўрсатув.
Ўқув машғулотлари:
10.30 Она тили.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Ўзбекистон тарихи.
*
12.00 «Қанотлар парвози». Бадиий фильм.
13.30 Ўзбек куйларидан концерт.
14.00—14.05 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Ўсмирлар учун. «Умид учқунлари».
18.30 «Ал-Бирининг орзу-армонлари». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Темурнома».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Альманах-ТВ».
21.50 «Оҳанглардан таралган меҳр».
22.10 «Замон».
22.20 «Мусиқий саёҳат».
22.40 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «Навбаҳор». 1-тайм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «Навбаҳор». 2-тайм.
00.45 Тунги тароналар.
01.00 — 01.10 «Ватан тимсоллари».
II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Постфактум».
20.05 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «АРТ-журнал».
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 «Кинонигоҳ».
23.35—00.35 «Спорт қитъаси».
III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Ўжар Мурод». Мультфильм.
*
Россия жамоат телевиденеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
***
18.10 — 20.35
*
20.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестри концерти.
*
Россия давлат телевиденеси
21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Дурдаршан» телекомпанияси кўрсатувлари.
19.30 Эълонлар.
19.35 «Дийдар» (қозоқ тилида).
20.05 Эълонлар.
20.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
21.00 Қизиқарли воқеалар.
21.25 «Солиқлар ҳақида сабоқлар».
21.40 «Сен ҳақингда ва сен учун».
21.55 «Очиқ дарс».
22.25 «Сирдошим».
22.55 «16 вилоят». Немисча шарҳ.
23.25 «Спорт-дайжест».
23.55 «Доктор Джулия ва миссис Хайдо». Телесериал.
00.15 Эълонлар.
00.20 — 00.30 «Ҳайрли тун!»

ЧОРШАНБА, 9

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Тоҳир Ражабий». Фильм-концерт.
9.00 «Анъана ва замон». Публицистик кўрсатув.
9.30 «Бу дамлар ўҳшар эртакка».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Тараққиёт». Публицистик кўрсатув.
Ўқув машғулотлари:
10.30 Янги алифбони ўрганамиз.
11.00 «Ассалом, япон тили!».
*
11.40 «Муҳаббат тилсими». Бадиий фильм.
13.00 «Муносабат». Публицистик кўрсатув.
13.30 «Созимиз—овозимиз». Мусиқий дастур.
14.00—14.05 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Чамандаги гуллармиз».
18.25 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадир...»
18.30 «Сўз—Сизга». Ёшлар учун кўрсатув.
18.45 «Зилол». Фольклор-этнографик жамоаларнинг телефестивали.
19.05 «Сайёрамиз садоси». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Темурнома».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «15 дақиқа спорт ҳақида».
21.35 «Оҳанглар оғушида».
21.45 «Автоолам».
22.00 «Рангин дунё». Бадиий-публицистик кўрсатув.
22.20 «Адашлар».
22.40 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «МҲСК» — «Нефтчи».
00.40 Тунги тароналар.
01.00—01.10 «Ватан тимсоллари».
II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Табиат дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дунё бўйлаб...»
20.10 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Дриблинг».
21.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.55—23.55 «Спорт қитъаси».
III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Чинор япроқлари». Телефильм.
*
Россия жамоат телевиденеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
*
18.10 — 20.35
*
20.35 «Вайгач», «Сувдаги акс». Телефильмлар.
*
Россия давлат телевиденеси
21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Ўзбекистон муштарак».
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Мафтункор табиат».
19.35 «IV канал эксклюзиви».
20.00 Эълонлар.
20.05 «Маънавият сарчашмалари».
20.35 «Тошкент оқшомида».
21.05 «Экология ва ҳаёт».
21.35 Қалб тароналари.
21.55 «Дастхат».
22.25 «Бу ажиб дунё».
22.50 «Юлдузлар жилоси».
23.10 Эълонлар.
23.15 — 23.25 «Ҳайрли тун!»

ПАЙШАНБА, 10

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Ватан мадҳиялари». Мусиқий дастур.
9.05 «Буни умр дерлар». Телеочерк.
9.20 «Адашлар».
9.40 Буюк келажак сари. «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
10.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Компьютер сабоқлари».
Ўқув машғулотлари:
10.30 Ботаника.
11.00 Ўзбек тилини ўрганамиз.
11.30 Умумий биология.
*
12.00 «Ҳаёт мезони». Бадиий фильм.
13.25 «Инсон ва замин». Тележурнал.
14.00—14.05 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Кичкинтоймиз—гижингтоймиз».
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Кўзгудаги акс». Фототанлов.
19.00 «Акциядор луғати».
19.10 Дилнавоз садолар.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз». Мулоқот.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Мутойиба». Пайшанба ҳазиллари.
21.45 «Одобнома».
22.00 Дилнавоз садолар.
22.15 «Қирол Лир». Бадиий фильм. 1-серия.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Қирол Лир». Бадиий фильм. 2-серия.
01.05 Тунги тароналар.
01.15—01.25 «Ватан тимсоллари».
II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.15 «Сизнинг имконият».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Ўйинчоқлар растаси».
20.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.15 «Бизнес-уик».
21:30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Кинонигоҳ».
23.50—00.20 «Спорт қитъаси».
III
17.45 Янгиликлар.
17.50 Эълонлар.
17.55 «Палиостоми кўли». Телефильм.
*
Россия жамоат телевиденеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
***
18.05 — 20.35
*
20.35 «Шоҳсупа сари».
*
Россия давлат телевиденеси
21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.20 — 22.25 Янгиликлар.
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидение-
(Давоми 4-бетда).

Ислоҳот одимлари

УРУҒНИНГ ЗЎРИ — ДЕҲҚОНЧИЛИКНИНГ ДУРИ

Жаҳон бозорида донга бўлган талаб ортиб бормоқда. Қайсики, ҳозирги даврда озиқ-овқат жаҳоншумул муаммодир. Шундай экан, Ўзбекистон, яқин йилларда дон мустақиллигига эришиши мақсадга мувофиқдир.

Республикамиз учун ҳар йили камида 7 млн. тонна дон, шундан 4,5 млн. тонна буғдой (макарон саноати учун 200 минг тонна қаттиқ буғдой дони) керак бўлади. Чорвачилик ва паррандачилик учун 2,5 млн тонна, шундан 300 минг тонна маккажўхори дони керак бўлмоқда. Халқимизни гуручга бўлган талабини қондириш учун йиллик шоли етиштириш 555 минг тонна бўлиши керак. Ҳозирча бунга эришилгани йўқ. Шунингдек, оқ жўхори, маржумак (гречиха), соя, мош, ловия, нўхат, хашаки нўхат, зиғир, кунжут, махсар каби экинлар донига бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда.

Фан ютуқлари ва илғорлар тажрибасини кенг жорий этиш асосида мўл ва сифатли ҳосил етиштириш мумкинлиги маълум. Кўп йиллик илмий ишлар, давлат нав синаш участкаларидаги натижалар шуни кўрсатдики, бизда олинаётган ўртача ҳосилдорликнинг фарқи 150 фоиз бўлиб, шунинг 30 фоизи алмашиб экиш, 30 фоизи муқобил экиш муддати ва нормаси ҳисобига, 20-25 фоизи сара уруғликларни экиш, қолгани эса агротехниканинг бошқа элементлари ва нав ҳисобига тўғри келиши аниқланди.

1996 йил буғдойни спартанка, скифианка ва юна навларидан Андижон вилояти хўжаликларида гектаридан 90 центнердан, Сурхондарё вилояти бўйича гектаридан 60 центнердан ҳосил олинди. Бу навларнинг потенциал ҳосилдорлиги 100-120 центнер бўлиб, ётиб қолишга ва касалликларга чидамли.

Қишлоқ хўжалик экинлари селекцияси бўйича маълум муваффақиятларга эришилишига қарамай, уруғчилиги талаб даражасида бўлмай келди, уруғчиликни биладиган мутахассислар кўп жойда етишмайди. Ҳар бир зона учун навларни тўғри танлашга эътибор берилмади, ҳаттоки битта хўжаликда бир экиннинг бир нечта навларини экиш ҳоллари содир бўлди. Уруғчиликка этиборсиз қараш оқибатида унга ихтисослашган хўжаликларда уруғчилик агротехникаси бузилди. Навдорлик ва экиш сифати паст, ҳосилдорлиги ёмон уруғларни экиш билан бирга ерни сифатли тайёрлашга риоя этилмади. Бу эса экинлардан аксарият жойларда жудаям паст ва сифатсиз ҳосил олишга сабабчи бўлди. Афсуски, кўпинча айбни олимларга қўйиб келинди. Олимлар томонидан яратилган навлар ва уларнинг супер элита ва элита уруғликлари баъзи ўтраларнинг кўр-кўрона хатоси билан бир йилда йўқотилди. Яъни товар дон ёки маҳсулот сифатида давлатга топширилиб юборилди. Бундай аҳвол ҳатто шу йил ҳам содир бўлганлиги кишини ҳайратлантиради, ўта ранжитади. Ахир уруғлик учун давлат томонидан 50 фоиздан то 150 фоизгача (репродукцияга қараб) қўшимча ҳақ туланишини била туриб, қолаверса уруғлик келгусида мўл ва сифатли ҳосил олиниши омилидан эканлигини унутиш кўрнамакликдан бошқа нарса эмас.

Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг маълумоти бўйича қатор туманларда буғдой ва бошқа ғалла уруғликлари туман ҳокимлигининг бўйруғи билан товар дон сифатида қабул қилинган. Масалан, Ғаллаорол туманидаги Амир Темур номли ва Тойлоқ туманидаги «Дон» агрофирмалари хўжаликларида етиштирилган барча уруғликлар оддий ғалла сифатида топширилган. «Ғалла» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси хўжаликлари етиштирган элита ва 1-репродукция уруғларини, жумладан «Ғаллаорол» хўжалигидан 2520 тонна, «Олтин бошоқ» хўжалигидан 300 тонна уруғликни туман хокимлиги топшириги билан давлатга оддий ғалла ҳисобидан мажбурлаб топширилган.

Боёвут туманидаги Шароф Рашидов номли ва Боёвут-1 хўжаликларида 1312 тонна 1-репродукцияли ёнбош навли буғдой оддий ғалла сифатида топширилиб юборилган. Худди шундай Фарғона вилояти Қува туманидаги Раҳматов номли хўжаликда 50 тонна элита ва 70 тонна 1-репродукцияли уруғлар оддий ғалла ўрнида топширилган. Ваҳоланки, уруғлик ғалла жамғаришда қатор туманлар ва вилоятлар (айниқса Жиззах, Самарқанд, Сирдарё) ночор аҳволда қолди.

«Уруғчилик тўғрисида»ги Қонун қабул қилинмасдан аввалги йиллари қишлоқ хўжалик экинлари уруғликларини четдан келтириш, ҳатто экишга районлаштирилмаган ва навдор бўлмаган, уруғчиликка тегишли ҳужжатлари йўқ, баъзан турли хил касалликлар ва зараркунандалар мавжуд уруғларни олиб келиб экиш ҳоллари учраб турар эди.

Қолаверса, уруғчилик хўжаликлари иқтисоди жудаям ночор аҳволга тушиб қолган бўлиб, қимматга олиб экилган уруғликларни бир неча баравар арзон баҳога товар дон ёки маҳсулот сифатида топширишга мажбур бўлар эди.

Уруғлик етиштирувчи мутахассислар ва олимлар рағбатлантирилмаслиги мавжуд эди. Оқибатда уруғчилик соҳасидаги билимдон кадрлар бошқа ишларга кетиб қолишди, эътиборсизлик оқибатида, уруғлик етишмаслиги сабабли четдан бегона навларни олиб келиб экиш содир бўлди. Ўзбекистоннинг табиий иқлим шароитига мослашмаган навларнинг аксарияти кам ҳосил беради. Энг ёмони мавжуд навлар софлиги бузилиб, уруғликка яроқсиз бўлиб қолди. Бундай аҳвол, айниқса ғаллачилик, полизчилик, сабзавотчилик ва пахтачилик соҳаларида кўплаб содир бўларди.

Шундай қилиб, юқорида таъкидлаб ўтилган ва бошқа кўплаб ҳолатлар қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилигини жудаям паст, яъни талабга мутлақо жавоб бермаслик ҳолига сабаб бўлди.

«Уруғчилик тўғрисида»ги Қонун бу соҳадаги барча салбий ҳолатларга чек қўяди, уруғчиликни тубдан яхшилаш учун асос яратади. Бу эса экинлардан мўл ва сифатли ҳосил олишда муҳим аҳамият касб этади.

Ғани ҚУРБОНОВ,
Тошкент Давлат аграр университети пахтачилик кафедрасининг профессори.
Болқибой АМАНТЎРДИЕВ,
доцент.



ОЛТИН КУЗ. Шоназар ИБРОҲИМОВ олган сурат.

«МУЛОҚОТ» — ДОНО ҲАМСУҲБАТ

"Обуна — 97"

Жамият янгиланиш томон юз буриб, янги адолатли тузум барпо қилинаётган бир пайтда энг мақбул, энг таъсирчан сўзларни матбуот айтиши табиий бир ҳол. «Мулоқот» журнали мамлакатимизда шундай жараён юз бераётган даврда муштарийлар билан чинакам мулоқот қила бошлади.

Мана олти йилдирки, «Мулоқот» журнали мустақиллик минбари, миллий қадриятлар кўзгуси сифатида сизлар билан ҳамнафас, ҳамдард, ҳамфикр бўлиб ҳаётимизнинг деярли барча қирраларини ўзида акс эттириб келмоқда.

Истиқлол туфайли эришган янги мустақил давлатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлаш, маънавий қадриятларини тиклаш йўлида Сизлар билан ёнма-ён одимламоқда.

«Мулоқот» журналининг 1996 йилги сонларида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Республикамизни кучли, фаровон давлатга айлантиришга қаратилган асарлари, нутқ ва маърузалари таниқли олим ва адиблар томонидан мунтазам ва кенг таҳлил этилди.

Шу маънода «Мулоқот»да кўтарилган миллий истиқлол, бозор иқтисоди, иқтисодий ислоҳотларга доир мақолалар кўпчилик мактаб ва олий ўқув юртларида талабаларнинг асосий қўлланмалари қаторидан ўрин олаётганлиги қувонарли ҳолдир.

Журналнинг «Муҳаррир мулоҳазалари» рукни остида берилаётган материалларда халқнинг тили ва дилидаги мавзулар қаламга олиняпти. Мунтазам бериб борилаётган бош мақола журнал муқаддимаси, берилаётган материаллар мазмунининг дебочасидир.

«Мулоқот» 1997 йилда ҳам ўз анъанасига содиқ қолади. Унинг саҳифаларида ўзбек халқининг қадимий ва бой тарихи, миллий урф-одатлари, бебаҳо қадриятлари, маданиятимизнинг улуғ донишмандлари, Туркистоннинг буюк мутасаввуфлари, ислом динининг атоқли пешволари, забардаст олиму шоирлари хусусида ажойиб мақолалар босилади. Сизни буюк тарихимизнинг ҳали ўқилмаган саҳифалари билан ошно этади.

Янги йилда асрлар давомида мадрасаларда ўқитиб келинган маърифат чашмаси — «Чор китоб»нинг ўзбекча таржимасини ўқиш бахтига муяссар бўласиз.

«Маънавият пирлари», «Тасаввуф тариқатлари», «Истиқлол фидойилари», «Муқаддас шаҳарлар» рукнларида буюк алломалар ҳаёти ва аъмоли ҳамда башариятнинг табаррук шаҳарлари билан боғлиқ тарихий воқеалар билан танишасиз. Журнал зарварақларида Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Хожа Аҳрор Валий, Камолиддин Беҳзод сингари буюк алломаларнинг суратлари берилади.

1997 йилда журналга обуна бўлсангиз, дунёдаги энг муқаддас китоблар — «Тавроти шариф», «Забур», «Инжил», «Қуръони мажид» ҳақида ҳам ҳаққоний маълумотларга эга бўласиз. Шунингдек, «Маънавият булоқлари», «Озодлик ва ободлик», «Истиқлол кишиси», «Жамият ва шахс» каби ўнлаб янги рукнлар ҳам Сизларни бефарқ қолдирмайди деган умиддамиз.

Журналимиз ташкил этилганидан буён мунтазам равишда давом этаётган «Мулоқот» дафинаси»ни муштарий ларимиз севиб қолишди. Мазкур рукнда бу йил ҳам зарур маслаҳатлар, қизиқарли воқеалар, диққатга сазовор фикрларни ёритиш кўзда тутилган.

Азиз муштарий! «Мулоқот»га ёзилсангиз, ўзингизга яна бир чин ва ҳақиқий дўст орттирган бўласиз!

«МУЛОҚОТ» ЖУРНАЛИ ТАҲРИРИЯТИ.

"КЎМИР"

АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ
АЪЛО СИФАТЛИ ҚАТТИҚ ЁҚИЛҒИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНАДИР!

"Ўзбеккўмир"

фирмаси турли маркадаги кўмирларни
СОТАДИ

шунингдек, тошкўмир брикетларини ва қадоқланган кўмирни Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида жойлашган ёқилғи-савдо корхоналарининг вилоятлардаги улгуржи-чакана савдо омборларидан келишилган, арзон баҳода етказиб беради.

Ҳақ тўлаш усули турлича:

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:

Нукус шаҳрида 3-26-11
Андижон шаҳрида 4-33-58, 4-54-59, 4-28-40
Бухоро шаҳрида 5-76-64
Жиззах шаҳрида 4-45-67
Қарши шаҳрида 4-48-10, 2-21-28
Наманган шаҳрида 3-75-48, 3-76-41
Навоий шаҳрида 4-52-11
Гулистон шаҳрида 25-48-56
Самарқанд шаҳрида 35-03-17, 31-15-61
Термиз шаҳрида 4-95-60, 4-95-62
Фарғона шаҳрида 24-53-79, 24-33-59
Урганч шаҳрида 6-41-05
Тошкент шаҳрида 44-53-54, 44-35-93, 41-78-40, 41-78-41.

Алишер Навоий номидаги Давлат мукофотига номзодлар

ТАЗАРРУ БОҒЛАРИ

Табиат ва жамият янгиланиб борганидек, шеърият ҳам ўзгариш фаслларини бошдан кечиради. Сўнгги ўн йилликда ўзбек шеъриятида кечаётган бадиий жараён собиқ шўро жамиятининг парчаланиб, эл-юртимиз учун янги тарихий даврнинг бошлангани билангина эмас, балки, аввало, шу даврда бир ҳақиқатнинг қайта кашф этилгани билан боғлиқ. Бу, инсон руҳининг, Чўлпон тили билан айтганда, кишанлардан ҳоли бўлиши, ҳурриятга талпиниши ва эрк оғушида яшаши лозимлиги ҳақидаги ҳақиқатдир. Бу, шубҳасиз, инсоният учун янги кашфиёт эмас. Аммо оқ ва қизил салтанатлар даврида руҳнинг «оёқлари»га ҳам кишан солинди, ҳатто шеъриятдан инсон руҳининг сеҳрли жилвалари ситиб чиқарилди. Шеърият ана шу руҳият тасвирисиз яшаши мумкин эмас, деган ҳақиқатнинг кашф этилиши мустабид тузум чирий бошлаган ва янги ўзбек давлати туғилаётган даврга тўғри келди. Шунинг учун сўнгги ўн йилликдаги ўзбек шеърияти инсон руҳияти манзаралари тасвирини теранлатиш ҳисобига яна ҳам юксалди.

Усмон Азимнинг 1995 йили «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида чоп этилган «Сайланма»сини варақлар эканмиз, унинг худди шу даврда янги ижодий юксакликка эришганига гувоҳ бўламиз.

Одатда шоирлик навқирон фаслнинг мулки ҳисобланади. Агар Ойбек ва Миртемир сингари шоирларнинг кексайган пайтларида ҳам шоир сифатида янгиланиб олганлари ва жўшиб ижод қилганларини истисно деб билсак, аксар шоирлар муайян даврда ижод ва истеъдод алангасини порлатиб турадилар. Ва вақти-соати келиб, бу аланга сўнади. Бугунги ўзбек шеъриятида ҳам сўнаётган гулханлар оз эмас. Шу маънода 80-йилларнинг бошида ғуриллаб ёнган Усмон Азимнинг шеърий алангаси бугун тағин ҳам баландлашиб, янги уфқлар сари интилаётганини кўриш кишида ғурур ва сурур туйғуларини уйғотади.

Сўз юритилаётган китоб шоирнинг том маънодаги сайланмаси эмас. У Усмон Азимнинг сўнгги ўн йил мобайнида олиб борган ижодий изланишлари самараси. Агар бу ўн йилликнинг ўзбек шеърияти тарихидаги муҳим даврдан бири эканлигини инобатга олсак, китобхон бу тўплам орқали Усмон Азимнинг мазкур давр шеърияти тараққиётига қўшган ҳиссасини чамалаш имконига эга бўладики, шу ҳолнинг ўзиёқ «Сайланма»нинг майдонга келиши оддий ҳодиса эмаслигидан дарак беради.

80-йилларнинг бошларида шеърият оқшомларининг гули бўлган Усмон Азим кўпроқ минбар шоири эди. Гуржистонда таъсис этилган Маяковский номидаги мукофотнинг дастлабки совриндорларидан бўлган Усмон ўз ижодида «энг яхши шўро шоири» анъаналарини давом эттириб, юракка эмас, онгга, шуурга таъсир ўтказишнинг пайида бўлди. Аммо у ўтган давр ичида янги сифатлар касб этиб, инсон қалбининг табиатини кашф этиш иштиёқида теран бадиий изланишлар олиб борди. «Сайланма»дан ўрин олган аксар шеърларида у лирик қаҳрамон қалбининг нозик ҳаракатини кузатиш, унинг сеҳрли жилваларини илғаб олиш ва акс эттиришдек мураккаб руҳий ва бадиий жараённи ўзлаштирган моҳир шоир сифатида намоён бўлади.

Шоир ижодида кўзга ташланган ана шу жараённинг ўзи ҳам икки «босқич»га эга. У бугунги ижодий такомилининг биринчи «босқич»ида табиат ва унинг фарзанди — инсонни ёрқин, аммо бир хил бўёқлар билан тасвирлашга интилиб, масалан, соҳибжамол сийратини фақат қора ва оқ ранглар билан бундай мужассамлантиради:

Кўзинг қаро сенинг, қошларинг қаро,
Юзларинг оқ сенинг, кулишларинг оқ.
Қўлингдаги таъна тошларинг қаро,
Менга ғамгин боқиб туришларинг оқ...

Ана шу тарзда оқ ва қора ранглар ўйинидан истифода этишни севган Усмон Азим бошқа бир шеърида Мақсуд Шайхзода сиймосини яратишга киришар экан, келажакка унинг тилидан мурожаат этиб, бундай ёзади:

Суратимни чизмоқ учун
Оппоқ бўёқ танладинг.
Бу дунёга нега келиб,
Кетганимни англадинг.
Қўлларимнинг тасвирига
Югуртирдинг оқ бўёқ.
Юзимни ҳам оққа бўя,
Юзим доим бўлган оқ...

Гарчанд шоир ижодининг бу «босқич»идаги ранглар бадиий жозибадан холи ва ҳаёт мантиқидан, тасвир этилган қаҳрамон моҳиятидан узоқ бўлмаса-да, у кейинчалик бу бадиий услубни суиистеъмол қилишни ўзига эп кўрмай, янги тасвир ускуналарини излашга тушади. Натижада Усмон ижодининг биз шартли равишда айтаётган иккинчи «босқич»ида романтик тасвир воситалари реалистик бўёқлар билан узвий алоқага киришиб, тасвир маданияти бир поғона кўтарилади. Шоир ижодидаги ана шу янги тамойилнинг пайдо бўлиши, назаримизда, қуйидаги икки муҳим омилга боғлиқдир.

Маълумки, ўзбек шоирлари ўз асарларининг миллий ўзига хослигини таъминлаш истагида фольклорнинг бадиий имкониятларидан фойдаланиб келганлар. Усмон ана шу манбадан истефода этишда мутлақо янги усулни қўллаб, бахшиёна шеърнинг халқона лирик сюжет ва драматизм билан йўғрилган шаклини яратди. Айни пайтда бу бахшиёна шеъриятга, асосан, Овруپо адабиётига хос бўлган баллада унсурларини олиб кирди. Натижада Усмоннинг 80-йиллар охири ва 90-йилларнинг бошларидаги ижодида янги баллада жанри пайдо бўлди ва кенг қанот ёзди. Халқ оғзаки ижодидаги Тўнғич ботир, Кенжа ботир сингари персонажларнинг ўзаро муносабатлари тасвир этилган бу балладаларида шоир инсон руҳининг бепоён ва шукуҳли майдонидаги, сирли оламидаги нур ва соялярни ёритишга эришди. «Сайланма»дан жой олган Учинчи, Тўртинчи ва Бешинчи балладаларнинг бадиий кашфиёт даражасига кўтарилганини айтмаслик инсофдан эмас.

Балладанинг Усмон Азим томонидан ўзбек адабиётига олиб кирилган тури келажакда бошқа шоирларимизни ҳам янги ижодий уфқлар сари етаклаши мумкин. Аммо ҳозирча шоирнинг ўзи шу борада эришган бадиий тажрибасини давом эттириб, масалан, «Тазарру боғлари» туркумини яратдики, уни бугунги ўзбек шеъриятининг шоҳ намуналаридан бири, деб ҳисоблаш адолатдан бўлади.

Бу дунё ким учундир жаннат, ким учундир дўзах бўлиши мумкин. Шоир эса уни боғ сифатида идрок этади. Ва бу боғнинг қишки, баҳорги, ёзги ва кузги манзараларини чизади. Аммо бу боғ оддий боғ эмас. Шоир уни Тазарру боғлари деб атайди. У бу боғларга покланиш учун киришга интилади:

Боғларингнинг деворлари мўл,
Бўйим етмас — девори баланд.
Берк эшикка тақалади йўл —
Ичкари банд — шамол билан банд.
Шохларини девордан отди,
Мени ҳатто аяди дарахт.
Аммо йўлга деворинг қотди —
Ичкари банд — салқин билан банд...

Деворлари баланд боғлар — ғўзаллик ва руҳий юксакликнинг олий тимсоли. Шоир ана шу Тимсол яшаётган боғлар сари талпиниб, У яшаётган боғларда тавбатазарру қилмоқчи. Лекин бунинг иложи йўқ: боғнинг деворлари баланд. Шоирнинг, лирик қаҳрамоннинг орзу-иродаси ҳам бу деворлардан паст эмас.

Лирик қаҳрамоннинг илоҳий боғларда ариқ бўлиб оқиши-ю, ҳар бир қатраси илдизларга сингиб, баргу япроқларга таралишида тазарру зарралари бор. Аммо ёз пайтидаги шу тазаррунинг ўзигина камлик қилади. У илоҳий боғларнинг тўрттала фаслида шу боғларни тавоф этиб, унда руй бераётган ўзгаришларни ўз қалби билан ҳис этиб, ўз бошидан кечиради.

«Тазарру боғлари»ни ўқир эканмиз, шоирнинг бугунги воқелик муаммолари ва манзараларини тасвир этишда истиора санъатидан усталик билан фойдалангани, умуман, тасвир усуллари ва ускуналари бойиганини кўриб қувонамиз. У бу тасвир воситаларидан жўн гапларни ифода этиш учун эмас, балки бугунги инсон руҳининг сеҳрли оламига теран кириб бориш, унинг янги воқелик билан юзлашиш олдида, Ватанимизнинг шавкатли келажагини барпо этишга киришиш олдида покланаётганини акс эттириш мақсадида фойдаланади.

Усмон Азимнинг «Сайланма» китоби бугунги куннинг нафаси ва ҳарорати билан тўла. Унинг қаламидан тўкилган туйғулар шабнамида истиқлол фарзандларининг руҳий ва маънавий олами акс этади. Шоир истеъдодининг парвоздаги қуш сингари юксалиб бораётгани ҳавас уйғотади. У бугунги ижодий изланишлари билан ўзбек шеъриятининг янги тараққиёт босқичига кўтарилишига катта ҳисса қўшди. Унинг шу руҳдаги кейинги парвози шубҳасиздир.

Наим КАРИМОВ,
филология фанлари доктори.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

(Давоми. Боши 3-бетда).

си.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Интерспорт».
19.10 «Дурдаршан» телекомпанияси кўрсатувлари.
19.40 Эълонлар.
19.45 «Клип-антракт».
19.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.40 «Каталог».
20.55 «02» тўлқинида.
21.10 Эълонлар.
21.15 «Ҳамшаҳарлар».
21.45 «Эколот-коктейль».
22.15 «Айчурек» (қирғиз тилида).
22.45 «Компьютер-ревю».
23.10 «Британия кундалиги».
23.40 Эълонлар.
23.45 «Доктор Джулия ва миссис Хайдо». Телесериал.
00.10 Эълонлар.
00.15 — 00.25 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 11

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Қизлар гулдастаси».
8.55 «Юзма-юз». Мулоқот».
9.15 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Фаровонлик манбаи».
9.30 «Мактабимиз — фахримиз».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф». Публицистик кўрсатув.

Ўқув машғулотлари:

10.30 Табииёт.
11.00 Немис тили.
11.30 Кимё.

*

12.00 «Кузги марафон». Бадиий фильм.
13.30 «Стадионда учрашамиз». Киноқўрсатув.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Митти юлдузлар».
18.30 «Синфдош».
18.50 Бизнес ҳафта якунлари.
19.00 «Хонобод — гўзалликка бир қадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Темурнома».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Ривоят».
21.30 «Эртага — шанба».
21.50 «Репортаж».
22.10 «Морена Клара». Телесериал.
22.50 «Соғлом авлод учун».
23.10 «Толенома».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Бизнес ҳафта якунлари.
00.05 Тунги тароналар.
00.15 — 00.25 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мульти-пульти».
9.25 «Табиат шифохонаси».
9.35 «Дилором наволар».
9.45 «Таманно».
9.55 Лавҳа.
10.00 Видео янгиликлари.
10.20 Видео — «О».
12.00 — 14.00 «Спорт қитъаси».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор эканда, йўқ экан...».
18.35 «Кинохроника».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.15 «Ўйинчоқлар растаси».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Сиздан ишорат...».
21.40 «Ракурс».
22.00 «Камолот».
22.20 «Хит-парад ва Эълонлар».
23.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.50 — 00.20 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 Телефильм.

*

Россия жамоат телевиденнеси

6.30—8.00 «Телетонг».

* * *

18.15—20.35

*

20.35 «Мусиқа ҳамма учун».

*

Россия давлат телевиденнеси
21.00—21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.30—22.35 Янгиликлар.

IV

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Умид чечаклари».
19.25 «Рангинкамон» (тожик тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Замин саховати».
20.35 «Билиб қўйган яхши».
21.00 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
21.30 «Юлдузлар туркуми». Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига.
22.00 «Ўй остонадан бошланади».
22.30 «Истеъдодлар ва мухлислар».
23.00 Араб эстрадаси.
23.30 «Саноқ боши».
24.00 Эълонлар.
00.05—00.15 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 12

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Тараннум». Мусиқий дастур.
9.05 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
9.35 «Шукрона». Андижон вилоят телевиденнесининг кўрсатуви.

«Ёшлик» студияси намойиш этади:

9.55 «Бир қадам».
10.35 «Ёшлик оқшоми».
11.00 «Ватанпарвар».
11.25 «Сизни Спортландия чорлайди». Ўзбекистон — Белоруссия мактаб ўқувчиларининг спорт беллашуви.
12.10 «Чемпион билан учрашув». Шермуҳаммад Қўзиев.
12.30 «Ором». Мусиқий дастур.
13.00 «Ўйла! Изла! Топ!». Телебеллашув.
13.45 «Маънавият» видеоканали.
14.45 — 15.25 М. Бафоев, Ю. Исматова. «Улуғбек буржи»: «Тановар» рақс театри. 1-қисм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Совға».
18.20 «Олам».
18.35 «Яхши ният».
18.55 «Сиз севган қўшиқ».
19.10 «Ҳайрат».
19.25 Эълонлар.
19,30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Оҳанглар оғушида».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Азиз сиймолар». Наби Ғаниев.
21.40 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Нурафшон» — «Дўстлик».

«Тунги ёғду».
Дам олиш дастури:

22.25 «Заковат».
22.35 «Имкон чўққилари».
22.50 «Хайр, ширин орзулар...». Бадиий фильм. 1-2-серия.

II

9.00 «Бор эканда, йўқ экан...».
9.20 «Кинохроника».
10.10 «Компьютер-Осиё».
10.30 «Ўйинчоқлар растаси».
10.40 «Сиздан ишорат».
11.20 «Ракурс».
11.40 «Камолот».
12.00 Видео — «О».
13.40 — 14.40 «Спорт қитъаси».

* * *

18.00 «Мультдаста».
18.20 «Жозиба».
18.30 Эълонлар.
18.35 «Норизо ва ношукурлар» туркумидан. Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дубляж».
20.10 «Олтин кент» («Золотой город»).
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.

«Шанба оқшоми»
Дам олиш дастури:

21.00 «Зиндаги ёҳуд муҳаббат».
21.25 «Алмисоқдан қолган дўкон».
21.35 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.15 — 23.55 Видео — «О».

III

17.10 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевиденнеси
17.20—21.35

*

21.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Мусиқанинг сеҳрли оламида».
22.05 Эълонлар.
22.10 «Спрут». Телесериал.

*

Россия давлат телевиденнеси
22.55—23.25

*

23.25—23.35 «Куз кўргазмаси». Телефильм.

IV

9.00 Шанба эртаги.
10.00 Эълонлар.
10.05 «Клип-антракт».
10.10 «Олам ва инсон».
10.40 Кинонинг олтин асри. «Анжелика ва қирол».
13.10 Эълонлар.
13.15 «Комедиантлар».
13.25 «Клип-антракт».
13.30 «Спектаклдан сўнг».
14.00—14.30 «Умид» (уйғур тилида).

* * *

17.10—18.45 Туркия телевиденнеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Шанба оқшомида».
19.10 Эълонлар.
19.15 «Эллада».
19.45 «Хит-коллекция».
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 Эълонлар.
20.55 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Ўзим учун беш дақиқа».
21.05 «Рақслар қанотида».
21.35 Эълонлар.
21.40 Кинонинг олтин асри. «Бўйсунмас маркиза». Бадиий фильм.
23.10 «Эсдалик учун дастхат». З. Эшонхўжаев.
23.35 «Спорт-дайжест».
00.05 «Тошкент-96». Ўзбекистон эстрада қўшиқлари ижрочилари фестивалининг якунловчи концерти.
00.45—00.55 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 13

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Сирли сандиқ». Телеўйин.
11.40 «Ташриф». Дам олиш дастури.
12.10 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 11-қўй.
12.50 «Нурли келажак». Ўсмирлар учун видеоканал.
13.50 — 14.55 М. Бафоев, Ю. Исматова. «Улуғбек буржи». «Тановар» рақс театри. 2-қисм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Ҳамёндаги муъжизалар ёки...».
18.15 «Ал-Бишрининг орзу-армонлари». Телесериал.
19.05 «Келгуси ҳафтада».
19.20 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Юлдузлар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Буюк келажак сари».
21.25 «Илҳом сатрлари».
21.30 «Бу мунис лаҳзалар».
21.50 «Шаҳс ва баҳс».
22.15 Диққат, премьера: М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 12-қўй.
22.55 Футбол олами.
23.25 Эълонлар.
23.20 «Ҳафтанома».
24.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Машъал» — «Пахтакор».
00.45 «Келгуси ҳафтада».
00.55 Тунги тароналар.
01.15 — 01.25 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мультдаста».
9.20 «Жозиба».
9.30 «Дубляж».
9.45 «Олтин кент» («Золотой город»).
10.00 «Зиндаги ёҳуд муҳаббат».
10.25 «Алмисоқдан қолган дўкон».
10.35 Видео — «О».
12.15 — 14.00 «Спорт қитъаси».

* * *

18.00 Бугун «ТВ-2» дастурида.
18.05 Эълонлар.
18.10 «Даракчи».
18.20 «Мульти-пульти».
18.40 «Таманно».
18.50 «Дармон».
19.00 «Дилором наволар».
19.10 «Мухлис ТВ-2».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 Видео янгиликлари.
20.20 Бугун кино оқшомида.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Норизо ва ношукурлар» туркумидан. Телесериал.
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.20 Видео — «О».
24.00 — 00.05 Дастур ниҳояси.

III

17.15 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевиденнеси
17.25—21.45

*

21.45 Эълонлар.
21.50 «Спрут». Телесериал.
22.40—23.05 «Панорама».

IV

9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
9.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
9.40 Эълонлар.
9.45 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
11.30 «Жонли сайёра».
11.50 «Парле ву франсэ?».
12.00 «Дурдаршан» телекомпанияси кўрсатувлари.
12.50 Афсоналар ва ҳақиқат. «Велосипед тарихи». Ҳужжатли фильм. 5—6-серия.
13.30 «Марҳумга эҳтиром». Қисқа метражли бадиий фильм.
14.05 «Иштирок этувчилар».
14.35 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
15.05 «Клип-антракт».
15.10 Киносалон. «Титаник»ни қутқаринг». Бадиий фильм.
16.50 «Тандим». Ёшлар учун мусиқий дастур.

*

17.10—18.45 Туркия телевиденнеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Телеташриф».
19.10 Эълонлар.
19.15 «ТВ IV да етти кун».
19.35 «Кинопрофи».
20.05 «Биргалашиб куйлайлик». Мусиқий дам олиш дастури.
20.45 Эълонлар.
20.50 «ТВ IV да етти кун» (рус тилида).
21.10 Афсона ва ҳақиқат. «Монстр». Ҳужжатли фильм. 3-серия.
21.55 «Туризм-ревю».
22.25 «Голливуд-рок».
22.50 Киносалон. «Модильяни». Бадиий фильм.
23.55—00.05 «Хайрли тун!».

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), **Аслиддин БОЛИЕВ** (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» учун масъул), **Владимир ЧЕБОТИН** (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), **Алимқул СУЛТОНОВ** (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), **Александр ТЮРИКОВ** (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-26-48;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. ИКРОМОВ, навбатчи С. САЛИМОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

•

Газета офсет усулида А—2 форматида 26.845 нусхада босилди

•

Ҳажми 2 босма табоқ

•

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

•

Г — 0563

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 23.40

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

«МЕРИДИАН-А» фирмаси

ISTIQLOL

табиий ва шифобахш
«Истиқлол»
Тошкент маъданли сувини таклиф этади.

Сиғими-1,5 литр, пластмасса идишда.
Ҳақ тўлаш шакли - пул ўтказиш йўли билан
Маҳсулотларни сотиш бўйича дистрибьютерлар ва агентларни ҳамкорликка чорлаймиз.

Манзил: Тошкент тумани, Тулабей жамоа хўжалиги, Собир Зокиров кўчаси, 3-уй.
Телефонлар: (3712) 45-98-28, 78-12-57, 30-40-93.
Мўлжал: «Тошкент минерал сувлари» санаторийси

SOROS FOUNDATION'S OPEN SOCIETY INSTITUTE (OSI) UZBEKISTAN

seeks individuals with good English skills to fill the following positions:

- Grants/program officer, experience with non-governmental organizations; strong educational background; study abroad or experience with western organizations.
- Administrative assistant to director; excellent english; typing skills
- Chief administrative officer/logistics: excellent organizational skills; problem-solver
- Accountant: full or part time; experience with western accounting and software
- Individual with extensive knowledge of the Internet and computers desired to fill one of these or an additional position

Contact Katherine Mooney, Director, at 418604, or bring a C.V. in English by the office at Abdulla Kodiriy 11, 2nd Floor, between 9:00 and 12:00 am.

ТАШКИЛОТ

Италия газ плиталари, кир ювиш машиналари ва электроплиталарини, Франция ТЕФАЛ чойнакларини, калькуляторларни йирик векселларга

СОТАДИ

Тошкентдаги телефон: (3712) 33-99-51.

Диққат, обуна бошланди!

"ОБУНА 97"

Осиё бозори

ГАЗЕТХОНЛАРИГА

Муҳтарам газетхон!

Мана қариб бир йилдирки, "Ўзбекистон овози" газетасининг иқтисодий-ахборот, реклама иловаси бўлган "ОСИЁ БОЗОРИ" рўзномаси мунтазам хонадонингизга кириб боряпти. Ушбу газетага 1997 йил учун обуна бошланди.

"ОСИЁ БОЗОРИ"га обуна бўлсангиз:

- мамлакатдаги иқтисодий ислоҳотларнинг қандай бораётганлигидан хабардор бўласиз;
- кичик бизнесни ташкил этиш йўл-йўриқларини ўрганасиз;
- молия ва банк, солиқ тизимидаги янгиликлардан воқиф бўласиз;
- қимматли қоғозлар бозори тўғрисида кенг маълумотлар оласиз;
- ишбилармонлар эса ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни кўз-кўз қилиб сотиш, реклама қилиш имтиёзли имкониятига эга бўладилар.

"ОСИЁ БОЗОРИ" — СИЗНИ ЖАҲОН БОЗОРИГА ОЛИБ ЧИҚАДИ!

"ОСИЁ БОЗОРИ"

индекс: 64742 (якка обуначилар учун)

1 ойга	3 ойга	6 ойга	1 йилга
44 сўм	132 сўм	264 сўм	528 сўм

индекс: 64567 (ташкилотлар учун)

1 ойга	3 ойга	6 ойга	1 йилга
48 сўм	144 сўм	288 сўм	576 сўм

Во, ажабо!

КЎЗИ ОЖИЗ САРТАРОШ

Инсон зоти ҳар нарсага қодир. Унинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Буни майамилик Дейв Меланхон тақдирида ҳам кўриш мумкин. Гап шундаки, Дейв ёшлигидан сартарошликни танлади ва неча йиллардан бери шу касбда ишлаб, моҳир устага айланган пайтда... бош жароҳати сабаб кўр бўлиб қолди. Бироқ тушкунликка тушмади, ҳатто ўзининг доимий мижозлари соч олдиришга келмай қўйса-да, хафа бўлмади ва бошқа касбни танлашга уринмади ҳам. Сартарошлик сирларини яна қайтадан ўрганди, маҳоратини оширди, энди кўзларсиз ишлаши керак. У қариндошларининг сочларини олиб юрди, олгандаям қойилмақом қиларди ҳар гал. Бу гап бутун Майами шаҳридаги мижозларининг қулоғига етиб борди. Ҳатто уларнинг бир гуруҳи бир куни синамоқ учун Дейвнинг уйига келишди — ишонишмасдан, сочларини олдиришди ҳам.

«Буни қарангки, ўшанда уларнинг сочларини бемалол қиртишлаб, пардоз бердим, — дейди табассум ила эслаб Дейв. — Мен соч узунлигини бармоқлар билан ҳис қилишга, соч қиртишлаш қандай амалга оширилаётганини қайчининг овозидан сезишга ўргангандим».

Мана ўша воқеага ҳам етти йил бўлибди. Бугунга келиб Дейвнинг мижозлари аввалгидан, яъни кўзи очиқ пайтдагидан бир неча баравар ортган десак муболаға бўлмайди. Негаки, у ҳар куни қўли-қўлига тегмай ишлайди. Қисқаси, кўзлари кўр бўлса-да, бировга малоллиги тушмайди.

БУ - ОСОН - ҚУЛАЙ - ФОЙДАЛИ !

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" газетасининг "ОСИЁ БОЗОРИ" иқтисодий-ахборот, реклама иловаси маркетинг ва реклама соҳасида ўзини синаб кўрмоқчи бўлган ҳамюртларимизни шартнома асосида

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Манзил: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: 33-79-14, 33-54-55.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси масъул ходим А. Ф. Маҳсумовга волидаи муҳтарамаси

ТОЖИХОН аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Саодат» журнали жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли таржимон, матншунос, Абдулла Қаҳҳорнинг сафдоши ва рафиқаси **Кибриёҳоним ҚАҲҲОРОВА** вафоти муносабати билан унинг яқинларига чуқур таъзия билдиради. Марҳумани худо раҳмат қилсин.

Божхона бекати

ЖЎНАБ КЕТОЛМАДИ

Тошкент шаҳар божхона хизмати ходимлари ички ишлар тизимидаги ҳамкасблари билан биргаликда «Қорадори-96» тадбирида иштирок этмоқдалар. Тошкент — Москва йўналиши бўйича парвоз этувчи рейсга чиқмоқчи бўлган К. исмли йўловчи ёнида ва юклари орасида гашиш моддаси борлиги аниқланди. Асли Нижний Новгород шаҳридан бўлган бу кимса ниятига етолмади. Воронежлик Т. исмли «меҳмон» эса нашани чўнтакка уриб Тошкентнинг Марказий темир йўл вокзалида қўлга тушди. Ўзбекистон фуқароси Н. исмли шахс Тошкент — Минск самолётида «Марихуанна» деган гиёҳвандлик моддасини олиб кетаётганда фош бўлди.

Заҳри қотил уруғларини ҳеч кимга билдирмай олиб кетаман, деган шахслар янглишадилар. Улар назоратчиларнинг ҳушёр нигоҳидан қочиб қутулолмайдилар.

Камолиддин УМАРОВ.